



# XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI  
 IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA 24 (130)-сон, 2006 йил 15 июнь www.21asr.com

<h2>СИЁСАТ</h2> <p><b>3</b> Тадбиркорлик фаолиятига оид 38 та қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда</p>	<h2>ТИББИЁТ</h2> <p><b>7</b> Аҳолида тиббий маданиятни шакллантириш саломатлик мезонидир</p>	<h2>ХАЛҚАРО ҲАЁТ</h2> <p><b>9</b> Музокаралар нега тўхтаб қолди?</p>
---	--	--

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институтини ташкил қилиш тўғрисида

Мамлакатда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни илмий-техникавий жиҳатдан ва лойиҳалар билан таъминлашни мувофиқлаштиришни кучайтириш, республика иқтисодий тарихини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган саноатнинг базавий тармоқлари корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини юқори даражада тайёрлаш ва уни сифатли амалга ошириш мақсадида:



“Учқўргонёғ” очик турдаги акциядорлик жамияти нафақат Наманган вилояти, балки минтақа иқтисодий тараққиётига, аҳолининг истеъмол эҳтиёжини қондиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган корхоналардан биридир. Айни кунда бу ерда 630 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Яқинда Франциянинг “STECA” фирмаси технологияси ёрдамида “ПЭТ” шишаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур технология соатига 2000 тагача шиша тайёрлаш ва 3000 мингта идишга ёғ қуйиш қувватига эга. 2004 йилда корхона таркибиде “Маржона оил” масъулияти чекланган жамияти ташкил қилинди. Бу эса юқори самарадорликка эришиш имконини бераётир. 2005-2010 йиллар мобайнида мавжуд цехларни қайта тайёрлаш ва замонавий ускуналарни ўнги тушириш мўлжалланган бўлиб, бунинг натижасида йилига соф 98,9 млн. сўм маблағ тежаб қолинади. Умуман, ички ва ташқи бозорда “Учқўргонёғ” ОАЖ маҳсулотларига талаб ошиб бораётганлиги эътиборга моликдир.

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, шунингдек, жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳисобига молиялаштирилган иқтисодиётнинг базавий тармоқлари саноат объектиларини қуриш, модернизациялаш ва реконструкция қилишнинг техник-иқтисодий асослари ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институтини ташкил қилинсин.
3. Қуйидагилар “Ўзгирнефтгазкимёлоиҳа” институтини фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:
  - саноатнинг базавий тармоқларини таркибий ўзгартириш, электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат йирик объектиларини модернизациялаш ва техник реконструкция қилиш концепциясини ишлаб чиқиш;

Давоми 2-саҳифада.

## Ислом Каримовнинг Ху Цзиньтао билан учрашуви

Шанхай, 14 июнь (ЎзА махсус муҳбири Анвар Бобоев хабар қилади)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНING ШАНХАЙ ШАҲРИГА ЕТИБ КЕЛДИ.

Хитой Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг саммитига катта тайёрларлик кўргани яққол кўриб турибди. Кўчалар, майдону хиёбонлар ШХТнинг эмблемаси, ташкилотга аъзо давлатларнинг байроқлари, қутлов сўзлари битилган шорлар билан безатилган. 15 июнь куни бу ерда Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг саммити бўлиб ўтади. Шанхай Катта театрида ташкилотга аъзо мамлакатлар санъат усталарининг концерти ташкил қилинади. Унда Ўзбекистондан ҳам санъаткорлар иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама алоқалар жадал ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг Хитойга 2005 йилги давлат ташрифи асносида эришилган келишувлар, хусусан, Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисида имзоланган давлатлараро шартнома ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ислом КАРИМОВ:  
 «Хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, халқларимиз фаровонлигини ошириш — ЭНГ муҳим ва устувор масала»

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 14 ИЮНЬ КУНИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНING ШАНХАЙ ШАҲРИГА ЖўНАБ КЕТДИ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ САФАР ОЛДИДАН ҚУЙИДАГИ ФИКРЛАРНИ БАЁН ЭТДИ.

— Маълумки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бундан беш йил муқаддам айнан мана шу шаҳарда ташкил топган эди. Шу фактни инобатга оладиган бўлсак, мазкур учрашув, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос юбилей кенгашининг Шанхай шаҳрида ўтказилиши алоҳида рамзий маънога эга эканини тушуниш қийин эмас, албатта.

Бугунги кунда дунёда ва минтақада катта нуфуз ва салоҳиятга эга бир қатор давлатлар аъзо бўлган ушбу ташкилотнинг навбатдаги саммитига тайёрларлик жараёнининг ўзи жохон жамоатчилигининг қизиқиши ва эътиборини тортмоқда. Бу эса учрашув давомида халқаро аҳамиятга молик муҳим масалалар муҳокама этилишидан далолат беради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайд.

Табиики, бундай қизиқишининг муайян сабаблари бор. Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тарихан қисқа бир муддатда нафақат шаклланиш ва тараққиёт жараёнини босиб ўтганини, балки бир ярим миллардан ортиқ аҳоли яшайдиган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, сиёсий, иқтисодий ва социал-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга ҳар томонлама қодир бўлган халқаро ташкилот сифатида ўзини намойён қилаётганини таъкидлаш лозим. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда бу ташкилотнинг сиёсий нуфузи тобора мустаҳкамланмоқда, унинг фаолиятида иштирок этиш истагини билдирётган мамлакатлар сони ортиб бормоқда.

Давоми 2-саҳифада.

### Россия

#### Мураса йўлидаги музокаралар

Владимир Путин ва Михаил Саакашвили нафақат Россия ва Грузия ўртасидаги муносабатларни тиклаш, балки янада ривожлантириш имкониятлари ҳақида келишиб олдилар, деб хабар беради «Новости» РИА.

«Мен шундай учрашув бўлганидан хурсандман, чунки биз Россия-Грузия муносабатлари нима учун боши берк кўчага кириб қолганлигини тахлил қилиб чиқдик, алоқаларимизни тиклашнигина эмас, балки ривожлантиришнинг мумкин бўлган йўллари ҳақида ҳам келишиб олдик», — деди Россия президенти Владимир Путин билан ўтказилган музокаралар якунига бағишланган матбуот анжуманида. Жаноб Путиннинг сўзларига қараганда, Михаил Саакашвили билан учрашув пайтида улар биргаликда ҳаракат қилиш механизмларини яхшилаш ҳақида шартлашиб олишган.

Владимир Путин музокараларда ўртага қўйилган бошқа масалаларга тўғталар экан, Аслан Абашидзени қайтариб бериш ҳақида Грузия илтимосидан беҳабар эканлигини айтди. Айни пайтда илгарги Тбилиси Ажариянинг собик етакчиси дахлсизлигини қафолатганини таъкидлади. Абхазия ва Жанубий Осетия атрофидаги вазиятни шарҳлар экан, Россия президенти республикалар мустақиллиги ҳақидаги масала уларнинг халқлари фикрини инобатга олган ҳолда ҳал этилиши зарур, деди.

### АҚШ

#### Тинчликка ким хавф солаяпти?

Европа ва мусулмон мамлакатларининг аксарияти аҳолиси тинчликка Эроннинг ядро дастурига нисбатан АҚШнинг Ироқдаги сиёсати кўпроқ хавф солмақда, деб ҳисобляпти. Pew Research Group томонидан ўтказилган сўров натижалари ана шундан далолат бериб турибди.

Шунингдек, сўров АҚШ президенти Жорж Буш ва унинг «террорга қарши урушини» қўллаб-қувватлаш даражаси бутун дунё микёсида сезиларли даражада пасайиб кетганини кўрсатди.

Утган бир йил мобайнида Қўшма Штатлар 2004 йилда Ҳинд океанидаги цунамидан жабр кўрганларга ёрдам бериб ортирган бўрси тамоман тушиб кетди.

31 мартдан 14 майга қадар жамоатчилик фикрини ўрганиш жараёнида 15 мамлакатдаги 17 минг кишига савол билан мурожаат қилинди. Ҳиндистон, Испания ва Туркияда АҚШнинг машхурлиги ниҳоятда пасайиб кетганлиги маълум бўлди. АҚШни ҳисобга олмаганда, 14 мамлакатдан 10 тасидаги сўровга жалб қилинганларнинг аксарияти Ироқдаги уруш тинчлигини ниҳоятда хавф остида қолдирди, деб ҳисобламоқда. АҚШнинг асосий иттифоқчиси бўлган Буюк Британияда шундай фикрдаги кишилар 60 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 13 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сумма нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/	1 Австралия доллари 914,79	1 Миср фунти 212,48	1 Польша злотийси 388,97	10 Жанубий Корея вонини 12,79
	1 Англия фунт стерлинги 2253,17	16,50	1 СДР 1808,07	10 Япония иенаси 107,18
	1 Дания кронаси 207,19	1107,33	794,55	1 Россия рубли 45,53
	1 БАА дирҳами 332,94	152,56	992,47	1 Украина гривнаси 242,14
	1 АҚШ доллари 1222,82	333,01	1 ЕВРО 1544,18	

# ҲАМКОРЛИК

**ХАЛҚНИНГ ғайрати ва шижоатига  
Йўл очиб берувчи қарорларни  
қўллаб-қувватлаш керак**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

## Ўзбекистон электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва офир саноат давлат лойиҳа институтини ташкил қилиш тўғрисида

Давоми. Бошланғич 1-санида.

инвестиция лойиҳаларининг техник иқтисодий асосларини аниқ ишлаб чиқиш учун субпудратчилар сифатида мамлакатимиз ва хорижий иқтисодлаштирилган лойиҳа институтларини, шунингдек етакчи мутахассисларни танлов (тендер) асосида жалб этиш, уларнинг ишини мувофиқлаштириш; Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, шунингдек жалб этилган хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган иқтисодий базавий тармоқларнинг стратегик муҳим корхоналарини қуриш ва модернизациялаш бўйича тақдим этилган инвестиция лойиҳалари ва техник-иқтисодий асосларини экспертизадан ўтказиш ҳамда уларни танлаб олишда қатнашиш;

син: "Ўзоғирнефтьгазкимё-лойиҳа" институти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳисобот берадиган мустақил ташкилот ҳисобланади; лойиҳани ишлаб чиқиш учун ҳам, уни тўла ниҳоясига етказгунча техник таъминотнинг ташкил этилиши учун ҳам масъул бўлган лойиҳа бош муҳандислари (ЛБМ) томонидан раҳбарлик қилинадиган тармоқ бюрolari "Ўзоғирнефтьгазкимёлойиҳа" институтининг асосий таркибий бўлиналари ҳисобланади; ЛБМлар бюросини юқори малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш институтининг истикболдаги иқтисодлашувини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади; ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари "Ўзоғирнефтьгазкимёлойиҳа" институти Илмий-техника кенгашининг ижобий хулосасидан кейингина белгиланган тартибда вақил қилинган органларга экспертизадан ўтказиш учун киритилади; "Ўзоғирнефтьгазкимё-лойиҳа" институти Илмий-техника кенгаши аъзоларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, "Давархи-

тектурилиш" кўмитаси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, "Ўзоғирнефтьгазкимё-лойиҳа" институти, шунингдек, бошқа лойиҳа институтларининг етакчи мутахассисларидан тузилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳайъати томонидан тасдиқланади. 5. Қўйидагилар: ходимлар умумий чекланган сони 153 нафар, шу жумладан ишлаб чиқариш-бошқарув ходимлари сони 115 нафардан иборат бўлган "Ўзоғирнефтьгазкимёлойиҳа" институти тузилмаси 1-иловага мувофиқ; Лойиҳа бош муҳандиси бюросининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Белгилансинки, "Ўзоғирнефтьгазкимёлойиҳа" институти директори лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари ҳисобланади. "Ўзоғирнефтьгазкимёлойиҳа" институти директорига иқтисодий вазир билан келишилган ҳолда, тасдиқланган лавозимлар сони доирасида, институти таркибига зарур ҳолларда ўзгаришлар киритиш ва ходимлар сонини унинг таркибий бўлиналари ўртасида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

Институт ходимлари таркибини шакллантириш аниқ лойиҳа топшириқлари олиншига қараб амалга оширилсин. 6. Қўйидагилар "Ўзоғирнефтьгазкимёлойиҳа" институти молиялаштириш манбалари этиб белгилансин: инвестиция лойиҳалари буортмачиларининг шартнома асосида ТИАни ишлаб чиқишга ажратилган маблағлари, лойиҳа-қидирув ва лойиҳа ишларини бажариш, лойиҳалар амалга оширилишини техник жиҳатдан таъминлаш; "Ўзоғирнефтьгазкимё-лойиҳа" институтининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда шахсий фаолияти натижасида олинган даромадлари; халқаро молия институтилари ва донор ташкилотларининг грантлари; етишмаётган қисмида — давлат бюджетни маблағлари. 7. "Ўзоғирнефтьгазкимё-лойиҳа" институти 2010 йилнинг 1 январига қарата солиқ турларидан, йиғимлар, божлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинсин, божхона

расмийлаштируви учун йиғимлар ва ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно. 8. Қўйидагилар белгилансин: "Ўзоғирнефтьгазкимё-лойиҳа" институти ходимларига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, муқофотлаш, моддий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатиш шартлари татбиқ этилади; "Ўзоғирнефтьгазкимё-лойиҳа" институти ходимларига институт директорининг буйруғи билан устав фаолиятдан олинган даромадлар ҳамда ажратилган мақсадли бюджет маблағлари доирасида иш ҳақига ойлик устам ҳақ белгиланиши мумкин. 9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда "Ўзоғирнефтьгазкимёлойиҳа" институти фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин. 10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**  
Тошкент шаҳри,  
2006 йил 13 июнь.

**И.КАРИМОВ**

КАРОР

ДАВРА СУХБАТИ

Нукус. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси мажлислар залида Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча кўринишларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро Конвенция ижросига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси М.М. Тешабоев олиб борди.

## Хотин-қизлар ҳуқуқлари — дахлсиз

Таъкидландики, хотин-қизлар жамият ижтимоий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Бугун барча соҳада чуқурлашиб бораётган кенг қуламли ислохотларни уларнинг фаол иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Аёл — она, аёл — тадбиркор, аёл — жамоат арбоби. Конституция ва тегишли қонунларда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла қафолатланган. Бинобарин, жойларда ушбу қонунчилик ҳужжатларига қатъий амал қилиниши лозим. Токи хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилиши ёки камситилишига асло йўл қўйилмасин. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари М. Бурхонова, Г. Аннақилчева, З. Убайдуллаев, Т. Шайманов ўз маърузалари билан иштирок этишди. O'zLiDeP фракцияси аъзоси, депутат М. Бурхонова юқорида тилга олинган халқаро Конвенциянинг аҳамияти ҳақида тўхталаркан, аёллар ижтимоий ҳумюрасини таъминлаш, улар ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилишининг олдини олиш, хотин-қизларни сиёсий жараёнларга кенг жалб қилиш ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлади. Шундан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси раиси А. Жанибекова, республика прокурори Х. Халимов, соғлиқни сақлаш вазирини М. Туримбетова, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати О. Атанязова ва О. Хожаназаров сўзга чиқиб, жойларда хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхталдилар. Конвенция ижросини таъминлашга қаратилган муҳим тақлифларни ўртага ташладилар.

Жорий йилнинг 2 июнь куни пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги "Бинокор" маҳалласи идораси одамлар билан гавжум бўлди. Шу кунги фаоллар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш учун қизгин тайёргарлик кўришди.

## Ишонччи оқлашга ҳаракат қиламиз

— дейди O'zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси, маҳалла оқсоқоли Ўқтам Ҳайитбоев

**Шуқурилла ПАРПИЕВ**  
5500 нафардан зиёд аҳоли хамижхатлик билан умр кечириётган "Бинокор" маҳалласида ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилганлиги, улар дунёқароши давр талабларига монанд эканлиги тадбир давомида бўлиб ўтган қизгин суҳбатларда аққол сезилиб турди. Гап фуқаролар йиғинига кимнинг оқсоқол бўлишида эмас, балки ўзини ўзи бошқариш идораси чин маънода халқнинг хоҳиш-иродасини фойдаланганлигидир. Одамлар билан гавжум "Қурувчилар" уйи клуби ховлиснинг кўзга кўринарли жойига оқсоқолликка номзодларнинг сураглари, таржимаи ҳоллари осиб қўйилган. Бу ерга ташриф буюрган ҳар бир фуқаро сайлов ҳақидаги қонунлар тўплами, барча маълумотлар муҳасамалашган ҳужжатлар билан танишиб чиқаётган маҳалла аҳли оқсоқолликка номзоди қўйилганларнинг фаолиятига баҳо беришмоқда. Номзодлардан бири - 15 йилдан зиёд турли ташкилотларда ҳуқуқшунос бўлиб ишлаган, айни пайтда "Бинокор" маҳалласининг оқсоқоли ва O'zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси Ўқтам Ҳайитбоевга аҳолининг ишонч билан қўйилган шундай сезилиб турарди. Чунки амалдаги оқсоқол ўтган давр мобайнида ҳудуддаги кам таъминланган оилаларга ўз вақтида қўмақ берганлиги ва фуқароларнинг манфаатлари йўлида қилган бошқа қатор ишларини одамлар яхши билдилар. Фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясининг раиси Гулмурод Абиров ҳисоботи бўйича раис молиявий ишларда ҳам ҳолис ва тўғри эканлиги баён этилган. Бирок катта бир маҳаллада ҳаммагининг кўнглига бирдай йўл топиш жуда мушкул. Шу боис айримлар ўз норозилиklarини ҳам очик-ойдин баён этишди. Шунга қарамай, маҳалла фаолларининг ақсарияти, жумладан, Сабҳат Каттаҳўжаева, Нормат Матёқубов, Фёдор Куланко амалдаги раиснинг ижобий томонлари, ўтган давр мобайнида қилган хайрли ишлари, жумладан, O'zLiDeP маҳалла бошланғич ташкилотига раис этиб сайланган, ёшларнинг сиёсий онгини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиб, кам таъминланган оилаларга ёрдам беришда жонқурлик кўрсатгани ҳақида гапирдилар. Ўтган давр мобайнида фаолият юритган оқсоқолнинг ишига баҳо беришгач, ҳудудда истиқомат қилаётган беш ярим минг нафар фуқаронинг ваколатли вакиллари — 116 нафар делегат маҳалла раислигига 2 та номзоднинг дастурлари билан танишиб чиқди. Номзодлардан бири — Худойберган Ортиқбоев сўзга чиқиб, сайловдан ўз номзодини Ўқтам Ҳайитбоев фойдасига олишини маълум қилди. Шу тариқа Ўқтам Ҳайитбоев иккинчи мартабача ишчи оқсоқоли билдирилди. У яна 2,5 йил маҳалла оқсоқоли этиб сайланди.

САЙЛОВ

## Ислом КАРИМОВ: «Хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, халқларимиз фаровонлигини ошириш энг муҳим ва устувор масала»

Давоми. Бошланғич 1-санида.

Бу галги учрашувда ташкилотга аъзо бўлган Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларининг раҳбарлари билан биргаликда тўртта кузатувчи мамлакат — Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Мўғулистон вакиллари иштирок этиши кутилаётгани ҳам шунинг кўрсатиши, деди Ислом Каримов. Олий даражадаги бу учрашувда 15 та ҳужжат имзоланиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг беш йиллиги муносабати билан декларация, халқаро информацион хавфсизлик тўғрисида баёнот, ташкилотга аъзо давлатлар томонидан халқаро терроризмга қарши биргаликда ўтказиладиган тадбирларни ташкил этиш тартиби ҳақидаги битим, таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома, Ишбилармонлик кенгашининг фаолияти, иқтисодий, молиявий ва банк тизимлари фаолияти ҳақидаги ҳужжатларнинг қабул қилиниши мўлжалланмоқда. Айниқса, бўлиб ўтадиган учрашувда минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизга таҳдид соладиган ҳар қандай хавф-хатарларга йўл қўймай, иқтисодий ва молиявий, жумладан, инвестицион ҳамкорликни янада кенгайтириш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, ташкилотга аъзо давлатлар жойлашган минтақанинг бой сув-энергетика захираларидан, ер усти ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган масалаларни муҳокама қилиш ҳам кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, ушбу ташкилот иштирокисини бўлган давлатларнинг иқтисодий тараққиётига бевоқиф таъсир кўрсатадиган соҳалар — коммуникация ва информация тармоқларини, темир йўл, автомобил йўлларини барпо этиш бўйича лойиҳаларни муҳокама қилиш, шунингдек, баъзи ташкилий-институционал масалалар ҳам кун тар-

тибига киритилган. Айни пайтда ташкилотнинг Саноатчилар ва ишбилармонлар форуми, Банклараро бирлашма, Тараққиёт фонди каби тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш сингари масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинади. Уйлайманки, бу масалалар бўйича қабул қилинадиган қарорлар минтақамизда жойлашган барча давлатларни ижтимоий жиҳатдан янада ривожлантириш, мавжуд улкан салоҳият ва ресурслардан самарали фойдаланиш йўлида янги имкониятлар очиб беради. Келгусида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида гапирганда, мен қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур деб биламан, деб фикрини давом эттирди Президентимиз. Биринчидан, бошқа барча ҳаётий масалаларнинг негизини белгилаб берадиган минтақамизда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, халқаро терроризм ва экстремизм, сепаратизм, наркотрафик каби замонавий таҳдидларга қарши кураш масаласи бундан буён ҳам ШХТнинг ўта муҳим ва устувор вазифаси бўлиб қолиши лозим. Бу мақсадга эришиш учун, авваламбор, мазкур ташкилотга аъзо бўлган барча давлатларнинг мавжуд хавф-хатарларини ягона принциплар асосида, бир кўз билан қараши ва баҳолаши талаб этилади. Иккинчидан, мана шундай таҳдидларнинг олдини олишда минтақамизга, миллионлаб одамларнинг ҳаётига зарар етказиши мумкин бўлган ёвуз кучларнинг фаолиятини нафақат тўғри баҳолаш, балки уларга қарши бир ёқадан бош чиқариб биргаликда курашиш, ташкилотга аъзо бўлган ҳеч бир давлатда кўпуровчилик ҳаракатларига йўл қўймай, барча куч ва имкониятларини шу мақсадда бирлаштириши бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Энг муҳими, бундай террорчилик хуржлари, айтайлик, бир давлат ҳудудида содир этилганда, ШХТга аъзо бошқа бир давлатнинг, бу офат бизни четлаб ўтади, биз фақат транзит мамлакатимиз ёки халифалик тузу-

мини ўрнатиш даъвоси фақат Фарғона водийсига тегишли, деган мазмундаги сохта қарашлар билан ёндашуви мутлақо номақбул бўлиб, бундай позицияни умуман оқлаб ва қабул қилиб бўлмайди. Ана шундай хавф-хатарларга қарши фақат биргаликда изчиллик ва қатъият билан кураш олиб борилган тақдирдагина бундай ҳамкорлик ижобий натижа бериши мумкин. Учинчидан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган сиёсий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни ечишда мазкур ташкилот ва унга аъзо бўлган давлатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳити мавжуд бўлгандагина қабул қилинадиган қарорларнинг самараси ва таъсирини амалда сезиш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, халқимизнинг "Бирлашган — ўзар, бирлашмаган — тўзар", деган мақолида чуқур маъно бор, деб ўйлайман, деди давлатимиз раҳбари. Туртинчидан, маълумки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўз сафида ҳудуди, аҳолиси ва иқтисодий салоҳияти жиҳатидан турлича давлатга ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлаш учун аввало нима керак, деган саволга, мен халқаро дипломатия тилида кенг қўлланадиган манфаатлар баланси, таъбир жоиз бўлса, манфаатлар мувозанати, деган мезонни доимо сақлаш, унга риоя қилиш ва бу масалани эътибор марказида тутиш керак, деб жавоб берган бўлардим. Ишончим комилки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити мамлакатларимиз ўртасидаги конструктивлик ва прагматизм каби асосий тамойилларга асосланган ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини чуқурлаштиришга хизмат қилади, хавфсизликни таъминлаш масалаларини ечиш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, халқларимизнинг фаровонлигини оширишда мустаҳкам пойдевор яратлади. (Ў.А)

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорининг жойлардаги ижроси қўллаб-қувватланган оилаларга қувонч олиб кирмоқда.

## Ўн беш хонадон қувончи

**Д.ЭСОНОВА, ЎЗА МУХБИРИ**  
Сирдарё туманининг Халқобод маҳалласида ўн бешта кам таъминланган оилага соғин сиғир берилди. Чорва молларини кўпайтиришга ҳисса қўшаётган йигирма нафар фуқарога туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан меҳнат дафтarchаси очилди.



## Ўрим-йиғим авжида

Етмиш минг тонналик хирмон уюшни мўлжаллаган қорақалпоғистонлик галлакорлар ўрим-йиғим ишларини жадал даврда эътирмоқда. Бу борада уларга «Агроинтехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси механизаторлари яқиндан қўмаклашяпти.

**А.ОРТИҚБОВ, ЎЗА МУХБИРИ**  
— 4 минг 320 фермер хўжалиги ҳамда 17 ширкатда етиштирилган галлани қисқа фурсатда йиғиштириб олишга 167 комбайн сафарбар қилинди, — дейди бирлашма бош директори Қадамбой Бобожонов. — Мавсумга пухта тараддуд кўрилиб, комбайнлар тўлиқ таъмирланди. Техниканинг узлуқсиз ва умумли ишлашини таъминлаш мақсадида ўнта таъмирловчилар гуруҳи ташкил этилган, ёниги мейлаш материаллари ва эҳтиёт қисмларини етказиб берувчи 40 дан зиёд автогаз транспорт шай турибди. 225 та юк машинаси ва беш юздан ортиқ тиркама ҳосилни пешма-пеш қабул пунктларига етказиб бермоқда.


ТАШРИФ

**ҚОНУНЛАР халқ учун яратилади, шу боис  
улар ақл-идрокнинг оддий қондаларига  
асосланмоғи лозим**

# ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

## Масъулият амалиётда намоён бўлади

Одатда, сиёсий партияларнинг сайловлардан кейинги фаолияти асосан фракциялар орқали амалга оширилади, деган қарашлар бор. Балки бу фикр унчалар тўғри эмасдир. Аммо сайловлардан кейин асосий оғирлик, партиянинг ғоя ва мақсадларини қонунлар тилига ўгиришда фракциялар зиммасидаги масъулият ортаётгани айни ҳақиқатдир. Бир сўз билан айтганда, фракция том маънода муайян партиянинг юзига, партия хатти-ҳаракатларини баҳолаш мумкин бўлган мезон айланади, дейиш мумкин. Партиянинг салоҳияти ҳам жамоатчилик ўртасидаги нуфузи ҳам бевосита ана шу тузилманинг қандай иш юритишига боғлиқ.



демократик ғояларимизни Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонунларда ақс эттиришга, қонун синдириш боришга уринаймиз. Шу ўринда 2005 йил июнь ойида қабул қилинган тадбиркорлик фаолиятини либераллаштириш, уларга нисбатан қўлланганидан ғояларимизни жазоларни енгиллаштиришга қаратилган Фармон ва қарорларни алоҳида тилга олиш жоиз, деб ўйлайман. Тадбиркорлик фаолиятини либераллаштириш муносабати билан 38 та қонун ҳужжати ўзгартирилган киритилган. Масалан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тўғрисида"ги, "Табиати муҳофазасида қилиш тўғрисида", "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Қимматли қозғолар бозори тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

ма қилиш ўзининг самарасини беради. Сайловчилар ҳузурда бўлганимизда уларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти бутунлай ўзгарганини, энг муҳими — қабул қилинаётган қонунлардан улар бохабарлиқларига гувоҳ бўлмоқдамиз.

**Бас, шундай экан, мамлакатимиздаги ақсарий сайловчиларнинг ишончини қозонган, 140 мингдан зиёд аъзоси бўлган О'zLiDePнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси бугун ўзинга юклатилган масъулиятни қай даражада ҳис этмоқда? Шунингдек, сайловчиларнинг дарду ўйлари, мулоҳазаси муноҳазаларига қулоқ тутиб, уларга камарбаста бўлиб, халқнинг ироласини ифода этишни ундай олаётими?**

— "Демократик блок"ка аъзо бўлган ҳар бир фракция Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонунлар юзасидан бир нуқтаи назарни ҳимоялашга, бир хил позицияни эгаллашга интилиши билан ҳам катта куч сифатида намоён бўлади. О'zLiDePдан "Демократик блок"да 39, ФМДПдан 18, "Адолат" социал-демократик партиясидан 10 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Бу 120 нафар аъзоси бўлган Қонунчилик палатасининг тенг ярмидан кўпроги ягона позицияни ҳимоя қилади, деганидир.

**— Сўхбатимиз ниҳоятда сайловчилар ҳақида яна қандай фикр-мулоҳазалар билдириб ўтгани хоҳларингиз?**

— Бугунги эришилган ютуқлар партия келажагини таъминлаш учун етарли, деб айтиб бўлмайди. Парламентда кўпчилик ўрини эгаллашнинг ўзини биз кўзлаган ягона мақсад эмас. Биз халқ ичига андас кенгроқ кириб боришимиз керак. Жойларда саккиз мингга яқин бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатаяпти. Аввало, партиянинг асоси - бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириб, ривожланишига йўл очиб бериш бугунги кундаги долзарб вазифаларимиздан биридир. Яъни, пастдан юқорига бўлган ҳаракатни шакллантиришимиз лозим.

Кенг жамоатчиликнинг кўзи бугун бизда. Шундай экан, одамларни булар ҳам аввал амалиётда ёқ берганидек бирдан "лов" этиб ёниб, эртага ўчиб қолмасмикан, деган фикрга олиб бормаслигимиз шарт.

Бошланғич партия ташкилотларида уларнинг атрофига жипслаган ва маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатларимиз кўп. Маҳаллий кенгашларнинг кўпчилигида 50-60 фоз либерал депутатлар бор. Нима қилишти бўлди депутатларимиз? Улар ҳозир нима билан машғул? Ўйлаётгани, уларнинг фаолияти ҳозирги кунда етарли эмас.

Буюртмаларни тақдим этиш: Танловда қатнашиш учун ариза берувчилар фонд директори номига мурожаат хати тақдим этишлари лозим. Буюртмалар ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар давлат ёки рус тилларида босма ҳолда, муҳрланган бўлиб "Худудий босма оммавий ахборот воситалари бизнес-режалари танловига" қайд қилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент ш., Навоий кўчаси 30-уй, 3 қават, 5-хона. Фойзсиз заёмлар олиш учун тўлиқ ёки ноаниқ маълумотлар берилган ва Эксперт кенгаши томонидан белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган лойиҳалар танловда иштирок этмайди.

Иштирокчилар юборган буюртмалари ва иловалари билан бирга ўз муддати қабул қилинганга ишонч ҳосил қилишлари лозим. Танлов ташкилотчиси почта хизмати ва алоқа воситасидаги ўзалишларга жавоб бермайди.

Буюртмаларнинг қайтариб берилиши сабаблари хабар қилинмайди, лойиҳалар тақриз этилмайди, тадқиқотчилар томонидан танловга тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар қайтариқмайди. Танловда қатнашиш учун зарур бўлган буюртманинг шакли ва бошқа ҳужжатларни Фонддан ёки www.mmf.uz сайтидан олиш мумкин.

Танлов мақсади ва шартлари ҳақида иштирокчилар учун ташкилотчи томонидан консултация йиғилиш ўтказилади. Йиғилиш 2006 йил 27 июнь, соат 15.00 да Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтади.

**Танловни мувофиқлаштирувчи ташкилот тел/факс: 1441251.**

**O'zLiDeP**  
Матбуот хизмати  
хабар қилади

### Ёшлар ва ахлоқий тарбия

**Фаргона.** Қува туманида партия вилоят кенгаши билан ҳамкорликда "Аёллар ва ёшлар: ахлоқ ва кадрлар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия вилоят кенгаши ходимлари, туман партия кенгаши "Ёшлар" ва "Аёллар" қанотлари фаоллари ва 100 дан ортиқ талаба-ёшлар иштирок этишди. Анжуманда миллий урф-одатларимиз, ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланиб келаётган маънавий ва миллий қадриятлари, уларнинг ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги тарбиявий аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилди.

### Мафкуравий курашнинг устувор вазифалари

**Жиззах.** Ёшлар онгида вайронкор ғоя ва мафкураларга қарши иммунитет ҳосил қилиш, уларга миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларини тушунтириш мақсадида партиянинг Фаллоллар туман кенгаши ташаббуси билан санот касб-ҳунар коллежида "Мафкурамизнинг асосий ғоялари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда коллежнинг 200 дан ортиқ талабаси, ўқитувчилар ва партия фаоллари иштирок этишди. Тадбирда жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро фуқаровий тугувлиқни таъминлаш, минтақамизга хавф солаётган мафкуравий таҳдидларга қарши курашда О'zLiDeP фаоллари олдида турган устувор вазифалар ҳақида сўз борди. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

### Янги аъзоларга гувоҳномалар

**Наманган.** Партия вилоят кенгаши аёллар билан ишлаш бўлими томонидан педагогика коллежида ўтказилган "Эғли юрт эркини бермас" мавзусидаги тадбирда ёшларимиз шу обод ва озад юрtnинг ҳақиқий ворислари, эғларни эканликларини яна бир бор юракдан ҳис этдилар.

Унда партия фаоллари, вилоят кенгаши депутатлари, Наманган вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, "Қамолот" ЁИХ вилоят бўлими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Ҳақиқий байрамга айланиб кетган тадбир дастлаб бугунги наманганлик ёшлар ҳаётини, таълимда, спортда, қўйинги, бошқа қўллаб сохаларда эришаётган ютуқлари ақс эттирилган турли суратлар ҳамда рассомлик ва хунармандчилик ишларидан намуналар кўргазмаси билан бошланди.

Йиғилишни О'zLiDeP вилоят кенгаши ижроия қўмитаси раиси У.Файзуллаев очар экан, бугунги кунда ёшларимизга кенг қўллаш шариолат яратиш берилаётгани, бунга жавобан ёшларимиз ҳам муносиб жавоб қайтариши лозимлигини, энг муҳими — мана шундай буюк юрtnинг муносиб фарзандлари бўлиб қамол топилшига тилакдош эканлигини таъкидлади.

Тадбир ниҳоятда партия сафига янги қабул қилинган аъзоларга гувоҳномалар тантанали равишда топширилди. Унда 300 дан ортиқ партия фаоллари ва талаба ёшлар иштирок этишди.

### Давр фаолликка ундамоқда

**Хоразм.** О'zLiDeP вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази томонидан Янгибозор туманида БПТ раислари ва партия фаоллари иштирокида семинар ўтказилди.

Унда аҳоли, айниқса ёшлар онига миллий истиқлол ғоясини мустаҳкам синдириш, уларни носоғлом, вайронкор мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилишда О'zLiDeP бошланғич ташкилотлари ва партия фаоллари томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва роли, хотин-қизларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги мақенини ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда О'zLiDeP бошланғич ташкилотлари ва партия фаолларининг роли мавзуларида маъруза қилинди. Шунингдек, бу борада мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими йўллари чуқур таҳлил қилиниб, иштирокчиларга тегишли таъсиялар берилди.

### Футболни севадиган болалар кўп

**Андижон.** Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги олдида, шунингдек, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурининг мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, болалар спортини ривожлантириш борасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида маҳалла ёшлари ўртасида турли мусобақа ва ўйинлар ташкил этилмоқда.

7-10 июнь кунлари Андижон вилоятининг Асака туманидаги Бобур номи стадионда ўтказилган "Футболни келахаги" аънавий республика кубоги учун мусобақаларда 9 яшардан 16 яшарга бўлган 415 нафар ёш футболчи ўзаро беллашишди. Турнир давомида футболчи чиндилан севувчи ёшлар сараланиб, голиб гуруҳларга туман ҳокимлиги ва О'zLiDeP туман кенгаши томонидан таъсис этилган совринлар топширилди.

МУСОҲАБА

ШАҲАРЛАР

ДАШТЛАР

ВОҚЕАЛАР

ТАНЛОВ

## Босма оммавий ахборот воситалари учун республика танлови

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди худудий босма нашрлар учун 10 000 000 сўм миқдоригага фойсиз заём бериш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда тахририят ёки ноширлари мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг юридик мақомга эга бўлган, барча вилоят ва туманлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган босма оммавий ахборот воситалари иштирок этишлари мумкин.

Танлов мавзуси: Танловга босма оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий барқарорлигини ошириш ва ўз-ўзини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни татбиқ этиш кўзда тутилган бизнес-режалар қабул қилинади.

Танлов якуни бўйича жамоат фонди билан голиблар ўртасида шартнома тузилади. Танловни ўтказиш тартиби ва муддати: 1. Танлов ҳақида республика оммавий ахборот воситаларида эълон бериш — 2006 йил 14 июнгача; 2. Буюртмаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2006 йил 7 август, соат 17.00 гача;

3. Эксперт кенгаши йиғилишида буюртмалар берилган конвертларнинг очилиши — 2006 йил 10 августда, Тошкент шаҳрида; 4. Заёмни қайтариш шартлари.

4. Эксперт кенгаши томонидан лойиҳаларни қўриб чиқиш ва баҳолаш — 2006 йил 11-23 августда; 5. Эксперт кенгаши йиғилишида голибларни аниқлаш бўйича овоз бериш — 2006 йил 24 августда.

Буюртмаларни танлаб олишнинг асосий мезонлари: 1. Тақдим этилган бизнес-режалар босма оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий аҳолини яшилга қаратилган мақсадларга мувофиқлик даражаси; 2. Бизнес-режаларнинг тегишли стандарт, тузилма ва талабларга мувофиқлиги, амалий молиявий-иқтисодий асосланганлиги; 3. Лойиҳанинг самарадорлиги ва истиқбол, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун барқарор иқтисодий негиз яратилганлиги;

4. Заёмни қайтариш шартлари.

Буюртмаларни тақдим этиш: Танловда қатнашиш учун ариза берувчилар фонд директори номига мурожаат хати тақдим этишлари лозим. Буюртмалар ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар давлат ёки рус тилларида босма ҳолда, муҳрланган бўлиб "Худудий босма оммавий ахборот воситалари бизнес-режалари танловига" қайд қилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент ш., Навоий кўчаси 30-уй, 3 қават, 5-хона. Фойзсиз заёмлар олиш учун тўлиқ ёки ноаниқ маълумотлар берилган ва Эксперт кенгаши томонидан белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган лойиҳалар танловда иштирок этмайди.

Иштирокчилар юборган буюртмалари ва иловалари билан бирга ўз муддати қабул қилинганга ишонч ҳосил қилишлари лозим. Танлов ташкилотчиси почта хизмати ва алоқа воситасидаги ўзалишларга жавоб бермайди.

Буюртмаларнинг қайтариб берилиши сабаблари хабар қилинмайди, лойиҳалар тақриз этилмайди, тадқиқотчилар томонидан танловга тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар қайтариқмайди. Танловда қатнашиш учун зарур бўлган буюртманинг шакли ва бошқа ҳужжатларни Фонддан ёки www.mmf.uz сайтидан олиш мумкин.

Танлов мақсади ва шартлари ҳақида иштирокчилар учун ташкилотчи томонидан консултация йиғилиш ўтказилади. Йиғилиш 2006 йил 27 июнь, соат 15.00 да Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтади.

**Танловни мувофиқлаштирувчи ташкилот тел/факс: 1441251.**

# ЖАРАЁН

**ШИФОКОРЛИК касби - жасрат, у  
фидойиликни, қалб ва фикр  
софлигини талаб қилади**

## Тиббиётдаги ислоҳот

Қашқадарё вилоятида аҳоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда

Маълумки, Президентимизнинг Фармонида асосан тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, улар меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш каби асосий йўналишларни ўз ичига олган соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишнинг узок муддатли дастури амалиётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

Хўш, халқ саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган ана шу муҳим ҳужжат, ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш йўлидаги ишлар Қашқадарё вилоятида қандай самара бермоқда? Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Раҳматилла Раҳмонов билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.

■ Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири



Вилоят аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасини ошириш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари саломатлик гарови эканлигини одамлар онига синдириш, жисмонан ва маънан соғлом, баркамол ёш авлодни тарбиялаш учун ғамхўрликни янада кучайтириш борасида қатор ишлар қилинмоқда.

Албатта, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашдан тўғриқил, тиббиётда ислоҳотларни амалга ошириш мушкул. «Ўзмедэкспорт» фирмаси билан тузилган шартномага асосан 300 миллион сўмлик 14 та гастроброскоп, 14 та УЗИ, 14 та катта жаррохлик асбоблари тўплами олишни режалаштирганмиз. Бу иш босқичма-босқич амалга ошириляпти. 2005 йил апрель ойида вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган марказлаштирилган маблағ ҳисобига 13 та туман марказий шифохонасига ва 1 та шаҳар марказий шифохонасига Япониядан 166 миллион сўмлик «Olympus» гастроброскоп аппаратури олиб берилди. Республика Эндокринология ассоциацияси томонидан вилоят эндокринология диспансерига ахборот-таҳлил хонасини жиҳозлаш учун 7,1 миллион сўмлик компьютер, нуска кўпайтиргич ва ўқув куроллари тақдим этилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 17 та, вилоят ҳокимлиги томонидан 11 та, ҳомийлар томонидан 1 та «Дамас», «ГАЗ-31», «Газель», «УАЗ» русумли автомашиналар, 19 миллион сўмлик 13 та рация тез ёрдам станцияларига олиб берилди.

Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Малакали мутахассисларимиз, соҳанинг барча ходимлари бу йўлда бир тан, бир жон бўлиб фаолият юритмоқдалар.

Вилоятда фаолият кўрсатётган 5195 нафар олий маълумотли шифокорнинг 15,6 фоизи олий, 48,7 фоизи биринчи тоифалидир. Утган йили 1149 нафар шифокор республикамиздаги турли тиббиёт даргоҳларида билим ва малакаларини ошириб қайтди. Вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган 5 миллион сўм ҳисобидан 2004 йилда 7 нафар, 2005 йили 8 нафар, жорий йилнинг биринчи чорагида 3 нафар врач Россия ва Украина давлатларида малака оширди. Уларнинг 2 нафари тиббиёт фанлари доктори, 42 нафари эса тиббиёт фанлари номзодидир. Эл соғлиғини муҳофаза қилишда бор билим ва таърибасини ишга солиб, сидқидилдан меҳнат қилаётган Қаҳрамон Абдусалимов, Турсун Хайдаров, Хамро Юнусов, Сайдали Зулфқоров, Назира Тожибоева, Зулайхо Тўйчибоева, Мейли Хусанов ва бошқалар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

— **Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, аввало, жойларда соғлом турмуш тарзи, юксак тиббий маданиятни қарор топтиришни талаб этади. Шундай эмасми?**

— Дарҳақиқат, халқимизда касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган маълум деган ҳикматли гап бор. Одамларда тиббий маданиятни шакллантириш саломатлик мезони ҳисобланади. Республика «Саломатлик» марказининг вилоят филиали ходимлари, тиббиёт муассасаларимизнинг барча шифокорлари аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида мунтазам учрашув, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари, кўрик-танловлар ташкил этишяпти. Вилоятимизнинг тоғолди туманларида жойлашган болалар оромгоҳларида малакали шифокорлар иштирокида соғломлаштириш тадбирлари ўтказишни режалаштирганмиз.

Шу ўринда оила шифокорлари фаолиятига тўхталмоқчи эдим. У ҳар бир оилга кириб, касалликларни олдини олиш мақсадида тушунтиришлар беради, эмлаш ишларини вақтида бажаради. Қариялар ва чақалоқлар саломатлигини сақлашда оила шифокорининг хизматлари катта. Уз шифокорига эга бўлган оилаларда касалликка чалиниш ҳолатлари кескин камайганлиги кузатилади. Шу боис оила шифокорлари сонини кўпайтириш, малакасини оширишга жиддий киришдик.

— **Қишлоқ аҳолисида малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги ишлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз...**

— Қишлоқ врачлик пунктлари соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланади. Мазкур тиббиёт муассасаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларнинг билим ва малакасини ошириш, мавжуд тиббий жиҳозлардан самарали фойдаланиш борасида етарли иш олиб бориляпти, деб ўйлайман. «Тиббиётни ислоҳ қилиш давлат дастури»га асосан 1998-2005 йиллар давомида режада кўрсатилган 190 та КВП ўрнига 208 та КВП қурилиб (мослаштирилиб), фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда Косон туманидаги Пудина, Шербек, Қарши туманидаги Талликурон, Нишон туманидаги Ибн Сино, Яқкабоғ туманидаги Самоқ, Қамаш туманидаги Гиштли қишлоқ врачлик пунктларида қурилиш ишлари якунланиб, жиҳозлаш ишлари олиб бориляпти. Фаолият кўрсатётган КВПларда беморларни тиббий кўриқдан ўтказиш, даволаш учун барча шароит мўъаййид этилган. Бемор пунктга мурожаат қилса, тўғридан-тўғри умумий амалиёт врачлари, педиатрлар, стоматологлар, акушер-гинекологлар томонидан касалликка аниқ таъхис қўйилади. Ҳар бир пункт қошида 4 ўринли кундузги бўлим, физиотерапия, лаборатория хизмати ташкил этилган. Қишлоқ аҳолиси ўртасида эмлаш ишлари вақтида ўтказилиб, тарғибот ишлари авж олдириляпти. Тўғри, ҳали айрим қишлоқларимизда тиббий хизмат кўрсатиш маданияти паст, шифокорларнинг билими, малакаси етарли эмас. Уларни қайта ўқитишни йўлга қўйиб, замонавий тиббиёт ускуналарини бошқариш ўргатиляпти.

— **«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури амалга ошириш қандай борапти?**

Биринчи галда ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар фарзандларининг соғлиғини муҳофаза қилиш диққат эътиборимизда турибди. Жамият ҳаётида тиббиёт ходими касбининг нуфузини, мақомини ошириш, уларни моддий ҳақда маънавий рағбатлантириш, муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратишга ҳаракат қиляпмиз. Давлат дастури доирасида қатор қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажариляпти. Косон тумани, Хўжақудуқ қишлоғидаги маъданли сув базасида 25 ўринли физиотерапия, «Узпахтасаноат» уюмиса маблағи эвазига 90 ўринли болалар шифохонаси қурилмоқда. Шербек КВП биносидан 3 миллион сўмлик, Муборақ туман марказий шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам бўлимида 35 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш, Яқкабоғ туман болалар шифохонасида 2,5 миллион, Китоб туғруқ комплексидан 3,5 миллион, Қамаш туғруқ комплексидан 1,2 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилади. Қаршида шаҳар врачлик пункти қурилади. Ҳозирда вилоят марказидаги кардиология ва урология марказларида таъмирлаш ишлари тугалланиб, уларни жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан вилоят марказида қатор тиббиёт муассасаларини қуриш ва замонавий ускуналарни таъмирлаш режалаштирилган. Вилоят 1-сон сил касалликлар диспансерида 100 ўринли, онкология диспансери қошида 40 ўринли бўлимлар очилади. Вилоят юқумли касалликлар шифохонаси лаборатория бўлимига вирусли гепатитларни маркерлаш учун «Мултикан» аппарати, шаҳар, туман шифохоналари мажмуалари ҳамда даволаш-профилактика муассасалари юз фоиз темир препаратлари билан таъминланади. Муборақ тумани тез тиббий ёрдам қатори бўлими биноси қурилиши тугалланади. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини, тезкорлигини яхшилаш мақсадида соғлиқни сақлаш муассасаларига 17 та «Дамас» олиб берилди. Шунингдек, барча қишлоқ врачлик пунктларини Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳалари асосида энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

— **Тиббиётда рақобатни қандай тасаввур этасиз?**

— Вилоятда давлат тасаруфидан 12498 та ўринга мўлжалланган 93 та шифохона, яъни 4158 ўринли 13 та туман марказий шифохонаси, 590 ўринли 4 та туман шифохонаси, 895 ўринли 27 та қишлоқ участка шифохонаси, 4575 ўринли 36 та ихтисослашган шифохона, 1790 ўринли 10 та диспансер, 460 ўринли 3 та санаторий, 26333 қатновга мўлжалланган 399 та амбулатория поликлиникаси, 343 та фельдшерлик-акушерлик пункти фаолият кўрсатмоқда. 8 та шифохона таркибидеги 338 ўринли бўлимлар ўзини ўзи молиялашга ўтказилган. 265 ўринли 4 та хўжалик ҳисобидаги шифохона мавжуд. Тиббиётда ўзгаришлар рўй бермоқда. Ёш тадбиркор шифокорлар хусусий поликлиникалар очияпти. Шаҳрисабз шаҳрида «Пахлавон» тиббиёт-таъхисот маркази раҳбари, тадбиркор-шифокор Улоч Ярашев амалга ошираётган ишлар ҳақида илик гапларни айтиш мумкин. Бугун вилоятнинг турли бурчакларида хусусий тиббиёт марказлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Касалликларни аниқлаш, ташхис қўйишда замонавий тиббиёт ускуналаридан фойдаланилмоқда. Бу тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига, беморлар дарддан тезроқ фориб бўлишларига ёрдам бераётир.

БАНК ТИЗИМИ

Президентимизнинг жорий йил 5 майда қабул қилган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ жойларда микрокредит ва микролизингга оид хизматни амалга оширувчи янги банк ташкил этилди.

### «Микрокредитбанк»: мижозлар кўпаймоқда

■ М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири

Бозор иқтисодиёти шароитида малакали, тезкор банк хизмати кўрсатиш — ютуқлар омили. «Микрокредитбанк»нинг Фарғона вилояти бошқармаси ана шу тамойил асосида иш юритмоқда. Шу кунгача вилоятнинг шаҳар ва туманларида банкнинг 2 та бўлими ва 13 та шохобчаси очилди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фермер ва деҳқон хўжалиқлариغا ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун микрокредитлар бериш, кенг қўламдаги банк ва консалтинг хизматлари кўрсатиш йўлида барча имкониятлардан унумли фойдаланишда, — дейди «Микрокредитбанк» вилоят бошқармаси бошлиғи Дилшод Сатторов. — Жорий йил охирига қадар «Микрокредитбанк»нинг яна олти та бўлим ва ўн та мини-банкни ташкил этилади.

Айни пайтда банк ходимлари «Микрокредитбанк»нинг иш фаолияти, микрокредит турлари ҳамда уни бериш тартиби хусусида маълумотлар бериш мақсадида мижозлар ўртасида суҳбатлар ўтказиб, семинарлар ташкил этмоқда.

ТАНЛОВ

Мамлакатимизда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Миср Араб Республикаси Ёшлар вазирлиги ва мазкур давлат элчихонаси ҳамкорлигида бир неча йиллардан буён турли танлов ва мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

### Миср — дунё болалари нигоҳида

■ Аббор ТОЖИБОЕВ

Яқинда Миср элчихонаси «Миср—дунё болалари нигоҳида» деб номланган яна бир танлов ўтказди. Унда мамлакатимиздаги 19 та мактаб ўқувчилари, республика болалар ижодиёти маркази ва «Радуга» тасвирий санъат студияси аъзолари иштирок этдилар. Қуни кеча ушбу тадбир ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, республика болалар ижодиёт маркази ҳамда Миср Араб Республикасининг элчихонаси вакиллари танлов ғолибларини табриқлаб, уларга медал ҳамда фахрий ёрликлар топширдилар.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ

### Кўرғазмада — ўзбек хонадонини

Пойтахтимиздаги замонавий санъат марказида ранг тасвирчи рассом Абдуманнон Юнусовнинг шахсий кўрғазмаси намойиш этиляпти.

■ Ўз мухбиримиз

Ундан муаллифнинг турли йилларда яратган асарлари билан бирга Ўзбекистон давлат санъат музейи, тасвирий санъат галереяси ва Бадиий кўрғазмалар дирекцияси тўпламларида сақланаётган юзга яқин ишлар ўрин олган.

Ижодининг дастлабки йилларида ўз олдига ўзбек ҳовлилари туркум асарларини яратишни мақсад қилиб қўйган муайядам устаси асарларининг асосий мазмунини оддий ўзбек оиласи ҳаёти ташкил қилади. «Ховлида баҳор», «Айвондаги оила», «Қоратоща куз» каби асарлар муаллиф яратган туркумнинг бир қисmidир. Уларда асосан пойтахтимизнинг эски шаҳар қисми кўринишлари тасвирланган. Бундан ташқари кўрғазмада манзара ва натюр-морт жанридаги ажойиб асарлар ҳам намойиш этиляпти.

АНЖУМАН

### Илмий-амалий семинар

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Физиатрия ва пульмонология илмий-тектириш институтида соҳада эришилган ютуқ ва муаммоларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда сил касаллигининг олдини олиш, аниқлаш, ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитацияга оид янги ёндашувлар, нафас йўллари ва сундуқли ўпка касалликларини даволашнинг замонавий технологияларига бағишланган маърузалар тингланди. Сўнгги йилларда институт олимлари ўпка сили билан бирга суяк-бўғим, лимфа тугунлари ва урологик вазелардаги ана шундай хасталиқларни даволашнинг ҳам кўплаб янги технологияларини ишлаб чиқмоқдалар. Термография, эхоостеометрия, молекуллар спектроскопия сингари янги ташхис қўйиш усуллари, қайта тиклаш жарроҳлик муолажалари бунга мисол бўла олади.

Анжумандан сўнг тилга олинган касалликларни даволашда қўлланилаётган янги дори-дармонлар ва тиббий технологиялар кўрғазмаси намойиш этилди.

### Халқаро донорлар кунига бағишланди

Бирор бахтсиз ҳодиса туфайли жиддий шикастланган ёки оғир хасталикка чалинган бемор ҳаётини асраб қолишда донор қони мислсиз аҳамиятга эга. Инсонга саломатлик ва ҳаёт бағишлаш мақсадида қон топширадиган донорларнинг олижаноблик ва эзгуликка йўғрилган ана шундай фазилатларини улуғлаш мақсадида 14 июнь ҳар йили бутун жаҳонда Халқаро донорлар кунини сифатида нишонланади.

■ Б.ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида мазкур сана муносабати билан ташкил этилган анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Унда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ва молия муассасалари вакиллари, олимлар, мутахассислар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари А.Комиллов мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, барча фойдалана оладиган тиббий хизмат тизимини йўлга қўйишда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Юртимизда тиббиётнинг бошқа жаҳдалари билан бир қаторда донорлик ва қон қуйиш хизмати хажон андозалари даражасига кўтариш учун барча имкониятлар мавжуд. 250дан кўпроқ қон қуйиш станцияси ва уларнинг бўлимларида қарий бир ярим миң нафар малакали врач ва ўрта тиббиёт ходими меҳнат қиляпти. Мазкур шифо муассасаларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, шифокорлар билим ва маҳоратини янада юксалтириш мақсадида халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликдаги лойиҳалар ҳам ҳаётга татбиқ этиляпти. «Қон — инсонлар хизматида» жамоат хайрия фондининг ташкил этилгани эса, бу борадаги ишларни янада кенгайтиришга кўмаклашмоқда.

Анжуманда қон тозаланиши таъминлаш, бегараз донорлар сафини кенгайтириш, камқонлик сингари гематологик хасталиқларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, ушбу йўналишда илм-фан эришаётган ютуқлар ва галдаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди. Бегараз донорликни тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли хусусида фикрлашилди.

2006 ЙИЛ — «ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ»



Уларни Ватанга, эзгу аънаналарга садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифалардан бири эканлигини унутмаслигимиз керак.



Бошланғич партия ташкилоти аёллар ўртасидаги ишсизлик муаммосини ҳал этишга жиддий эътибор билан ёндашапти.



# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



ЯХШИ ИШЛАР ҚАЛБНИ ЮКСАЛТИРИБ, УНИ ЯНАДА ЭЗГУ ИШЛАРГА УНДАЙДИ

## Келажак олдидаги масъуллиқ

Бу сизу биз — ҳаммамиздан сиёсий фаоллик билан иш юритишни тақозо этади



мамлакатимиз, балки хорижда ҳам харидордир. Эркин меҳнат ижодкорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз керак, албатта. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармониغا асосан, "Тадбиркорбанк" негизида "Микрокредитбанк" акционерлик-тижорат банки ташкил этилганлиги нур устига аъло нур бўлди. Эндиликда бошланғич сармоияни шакллантириш учун янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига йиллик 5 фоизлик устама билан 18 ойгача бўлган муддатга микрокредит ажратилган бўлди. Бу биз, партия фаоллари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Жамиятимиз айти кунда даволаш-профилактика муассасалари, туман аҳолисига 18 хилдаги доридармонларни етказиб бермоқда. Утган беш ой мобайнида аҳолига 89 млн. сўмлик хизмат кўрсатилди. Йил охиригача бу кўрсаткични 180 млн. сўмга етказиш кўзда тутилмоқда.

Лола Мейликова жамиятимизда фитобар бўлими бошлиғи бўлиб ишлайди. У тоғолди қиш-

ва қайнатмалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконияти бор.

— **Депутат сифатида сайловчиларнинг ишончини оқлайман, деб ўйлайсизми?**

— Бундай дейишга ҳали эрта. Мен депутат этиб сайланган округ ҳудудидаги қишлоқларда кўплаб муаммолар борки, уларни ҳал этиш учун анча-мунча тер тўкишга тўғри келади. Сариосиё, Хўжайилмқони, Гулбоғ қишлоқлари аҳолиси билан тез-тез учрашиб турамыз. Улар айрим масалаларда ёрдам сўраб, мурожаат қилишади. Партия фаолларидан бири сифатида бу ҳолга беварқ қарашга ҳақим йўқ, албатта. Маълум бўлишича, фермерлар минерал ўғитни вақтида олишолмаяпти. Техника ва ёқилғи таъминоти ҳам яхши эмас. Замон ўзгарапти. Мулкдорларнинг онг-савияси ҳам шунга яраша ўзгарапти. Бунга ҳам қаноат қилмасдан, фаоллар ёрдамида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз керак. Токи фермер ўз ҳақуқини янада мукамалроқ англаб етсин, йил бўйи тер тўкиб топган маблағини аниқ мақсад-

зиб, маҳаллий фермер ва тадбиркорларни партия сафларига жалб этишни кўзда тутаямиз. Зеро уларнинг яқин ёрдамисиз кўзланган мақсадларга тўла эришиб бўлмайди.

— **Сизнингча, бошланғич партия ташкилоти ишини янада жонлантириш учун нима қилишни керак?**

— О'зLiDeP — бу фаол, ташаббускор инсонларнинг ихтиёрий уюшмасидир. Бинобарин, партия аъзоларининг сиёсий билими ва малакасини ошириб, уларни жамоат ишларига кенг жалб этиш дикқат марказида бўлиши лозим. Ўз ғоявий-сиёсий тафаккурини ошириб бормайдиган етакчи ҳаётдан орқада қолади, кўчликка ўрнак бўла олмайди. Ҳар биримиз бу оддий ҳақиқатни тўла англаб етишимиз керак. Айрим БПТлар ҳалигача ўз хонасига эга эмас. Йигилишлар вақтида ўтказилмайди, уларда аъзоларнинг фаол иштироки таъминланмайди.

Хўш, бундай кўзбўямачилик кимга керак? Илоҳи бўлса, бошланғич партия ташкилотлари учун ойда бир марта кўргазмали семинар йиғилишларини ўтказиш йўлга қўйилса, мақсада мувофиқ бўларди. Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ, албатта. Зеро, партия сафида бўлиш, бу — келажак олдидаги масъуллиқни зиммага олиш демакдир.

Наманган шаҳридаги "Иккиламчи қора металл" шўъба корхонасида меҳнат қилаётганлар О'зLiDeP вилоят кенгаши ўз сафларига тобора кўпроқ, ташаббускор инсонларни бирлаштираётганини таъкидламоқдалар. Муҳаммадjon Усмонов ана шуларнинг биридир. У қаерда, қай вазифада ишламасин, ўзидан яхши қолдиришга ҳаракат қилади. Изланувчанлиги ва тиришқоқлиги туфайли ҳамкасблари ўртасида ҳаммаша обрў-эътибори баланд. Болалигидан суяги меҳнатда қотган эмасми, устозларининг панд-насихатлари, йўл-йўриқларини зинҳор ёдидан чиқармайди.

### Бу мансаб ёки имтиёз эмас, балки имкониятдир

— Ҳалоқ меҳнатдан буйин тоблаган одамнинг косаси ҳеч қачон оқармайди, — дейди М. Усмонов. — Болалигимда мактабдан қайтган, тоқ ораларини чопар, дадамга ёрдам берардим. Буни бекорга таъкидлаётганим йўқ. Жойларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини тоғди. Фермерлик ҳаракати тобора оммалашиб бормоқда. Бу юртимиз обод бўлади, халқ янада фаровон яшайди, деганидир. О'зLiDeP Дастури ҳам айнан шундай эзгу ғоялар билан сугорилган.

Айни кунда корхонада 30 нафар О'зLiDeP аъзолари фаолият юритмоқда. Яна 14 нафар ишчи-хизматчи партия сафига кириш истагини билдирган. Аъзамжон Салимов, Мухторжон Фаниев, Анваржон Усмонов, Олимжон Юнусов каби фаоллар барча соҳада ибрат бўлишмоқда. Кўпчилик уларга ўхшашига ҳаракат қилади.

Жамоада қарор топган ўзаро аҳиллик, ҳамжиҳатлик ютуқлар гарови

— Бугунги кунда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида партияларнинг ўрни кун сайин ортиб бораётир. Бу бежиз эмас, албатта. Бўлиб ўтган сайловлар, партия аъзоларининг ўз фаолиятларига нисбатан талабчанликлари ва, албатта, сайловчилар ишончи ана шу оғир масъулият юкини янада оширмоқда. Омманинг сиёсий фаоллигини ошириш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш борасида улар зиммасига катта масъулият юклатилгани ҳам шундан.

Жамоамизда бошланғич партия ташкилотига асос солинган дастлабки кунлардан оқ, тарғибот-ташвиқот ишларига бирламчи эътибор қаратганимизнинг сабаби ҳам шунда.

■ Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири

Одамларни эзгу мақсадлар сари давбат этиш, О'зLiDeP ғояларини кенг тарғиб қилиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Хайрулла Бобомуродов, Насриддин Хамидов, Фазилат Муқимова, Рустам Жабборов, Раъно Юнусова, Мухайё Дониёва сингари фаолларимиз бу борада бошқаларга ибрат бўлишяпти. Жорий йилнинг ўзида Китоб шаҳрида Бешқоқ, Очамайли маҳаллаларида қатор учрашув ва йиғилишлар ўтказдик. Аҳоли саломатлигини

муҳофаза қилиш, жойларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирмоқдамиз. Мактаб битирувчиларининг "Нурли оқшом" кечасини партия туман кенгаши билан ҳамкорликда ўтказишни йўлга қўйганмиз. Ёш авлодни миллий истиқлол ғояси атрофида маҳкамроқ жипслаштириш, уларни Ватанга, эзгу аънаналарга садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифалардан бири эканлигини унутмаслигимиз керак.

— Дастуримизда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш масалаларига кенг ўрин ажратилган.

Бугун тадбиркорликни ривожлантиришдан тўриб, одамларни иш билан таъминлаш, иқтисодийни юксалтириш, фаровонликни ошириш мушкул. Ҳар бир инсонда Аллоҳ ато этган истеъдод бўлади. Фақат уни рўёбга чиқара билиш керак. Туманимизда тадбиркорлик азалдан кенг ривожланган. Китоблик зардушлар, уймақорлар, куллар, гиламдўз ва дурдодорлар тайёрлаган маҳсулотлар нафақат

Ибодулла ҲАМИДОВ, 1966 йилда Китоб туманида туғилган. Тошкент фармацевтика институтини битирган. Айни пайтда "Китобфарм" масъулияти чекланган жамият директори, бошланғич партия ташкилоти раиси.

лоқларида бўлиб, доривор гиёҳлар тўплаш, турли дардларга даво бўладиган димлама ва қайнатма дорилар тайёрлаш билан шуғулланади. Шу билан бирга тоғликларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш, уларни фойдали меҳнатга жалб этишга яқиндан кўмаклашмоқда. Натижа ёмон эмас. Айни кунда ўша қишлоқларнинг аҳолиси доривор гиёҳлар тўплашда бизга ақиндан кўмаклашяпти. Агар туманимизда доривор гиёҳлар тайёрлайдиган корхона ташкил этилса, кўплаб одамларни фойдали меҳнат билан таъминлаш имкони туғилар эди. Шахсан ўзим шу ишга бош қўшиб, қадоқлаш цехини очмоқчиман. Хом ашё, яъни доривор гиёҳларни тоғ қишлоқлари аҳолиси бемалол етказиб бера олади. Улардан турли дардларга даво бўладиган димлама

лар йўлида сарфласин. Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳозирги кундаги биринчи даражали вазифадир. Шунинг назарда тутиб, Сариосиё қишлоқ фуқаролар йиғини ва Амир Темур номли мактаб биносини таъмирлаш учун жамият ҳисобидан тегшлича маблағ ажратдик. Гулбоғ қишлоғи газлаштирилмоқда. Мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида 196 мавжуд хонадонда "зангори олов" ёна бошлайди. Хўжайилмқони қишлоғида жойлашган мактаб биноси эскириб қолган. Ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, уларга касб-хўнаро ўргатиш, қишлоқларни ободонлаштириш... Бошланғич партия ташкилоти иш режасида ана шу каби масалаларга кенг ўрин ажратилган. Энди ҳамма гап уларнинг ижросида. Йигин қошида бошланғич ташкилот ту-

**«Партия инсон саломатлиги, ҳозирги давр тиббиётининг янги ютуқларига таянган ҳолда дунёда илғор ўринларга интилайтган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ривожини, оналик ва болаликни ҳимоялаш, умр узоқлигини таъминлаш йўлида курашади».**  
О'зLiDeP Дастуридан



бўлмоқда. Жорий йилнинг биринчи чораги бўйича белгиланган режа 105,2 фоизга бажарилди. Даромад ва манфаатдорлик ҳам шунга яраша. "Хомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастури асосида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Наманган шаҳридаги 2-туғруқхонани қайта таъмирлаш, миллион таянч пунктини жиҳозлаш учун 4 млн. сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Эртанги кун ворисларининг соғлом ва баркамол воёга етишларида спортнинг ўрни бекиёс. Бошланғич ташкилот ташаббуси билан корхона ҳисобидан вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 2 млн. сўм маблағ ажратилди. М. Усмонов вилоят кенгаши депутати сифатида ҳам кўпгина савоб ва хайрли ишларни амалга ошириб, эл-юрт дуосини олмақда.

— Депутатлик мансаб ёки имтиёз эмас, балки халқ манфаати, Ватан келажаги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш учун берилган имкониятдир, — дейди у. — Сайловчилар ишончини оқлаш учун ҳали кўп тер тўкишимиз лозим. Қолаверса, номзодимизни депутатликка тавсия этган О'зLiDeP олдида икки қарра бурчлимиз.

## O'ZLIDER ODIMLARI

## Ватан остонадан бошланади

— дейди Гулистон туманидаги Дехқонобод маҳалла фуқаролар йиғини бошланғич партия ташкилоти раиси Юсуфжон ЎТАГАНОВ

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизгин давом этапти. Бу, албатта, партиялар учун муҳим сиёсий имтихон ҳамдир. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз Дастурида белгиланган "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" тамойилидан келиб чиқиб, сайлов жараёнида асосий эътиборни нималарга қаратапти? Бошланғич партия ташкилотларининг бу борадаги иштироки қандай?

■ Примкул ДУСТМАМатов, «XXI asr» мухбири

— Давр билан ҳамқадим ва ҳамнафас бўлиш бугунги куннинг муҳим талабидир, — дейди Ю. Ўтаганов. — Яқка отнинг донғи чиқмайди. Шу маънода маҳалланинг шахс, давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, маҳалла фуқаролик жамиятининг ҳал қилувчи бўғинидир. Бу ерда ҳамма бир-бирини яхши танийди. Кувончу ташвиш ўртада. Мана, ҳаётий бир мисол. Яқин-яқинларга Дехқонобод шаҳарчаси фуқаролар йиғини таркибидоги Аҳмад Ясавий номли маҳалланинг Усмон Носир ва Нодира кўчаларида электр қуввати таъминотида тез-

тез узиллилар бўлиб турарди. Бошланғич партия ташкилоти аралашувидан кейин бу масала ўз ечимини топди, яъни Зиёкор кўчасидаги трансформатор бошқа тармоққа уланди, одамларнинг мушкуллари осон бўлди.

Асосий қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида "Халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир", дейилган. Халқимиз эса асосан маҳаллаларда истикомат қилади. Шаҳарча, қишлоқ ва овуллар, шунингдек, улар таркибидоги маҳаллалар бевосита фуқаролар йиғинлари томонидан бошқарилади. Буни ҳамма-

миз яхши биламиз, албатта.

Маҳалланинг жамиятдаги ўрни бекиёс. Бошқача айтганда, маҳалла — муҳим тарбия ўчоғи, ҳаётимизнинг қайноқ нуқтасидир. Бошланғич партия ташкилоти эса, давлат ҳокимияти билан фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда ишончли кўприк вазифасини ўтайди.

Аҳмад Ясавий номли маҳалла фуқаролар йиғини фа-

дикат марказида тутилаётган. Энг муҳими, бу борада кексаю ёш фаол иштирок этмоқда.

Жамоатчилик кучи ва ёрдами билан яқинда маҳалладаги Темирқадим кўчасида ичимли сув тармоғи барпо этилди, теварак-атроф тартибга келтирилди. Фақат шугина эмас, Бошланғич партия ташкилоти ва маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан кўча атрофида мевали ва манзарали да-

Юсуфжон ЎТАГАНОВ, 1963 йилда Сирдарё туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида туғилган. Тошкент давлат аграр университетини тамомлаган. Мутахассислиги — зоотехник — муҳандис. Меҳнат фаолиятини Гулистон тумани деҳқончилик саноати уюшмасида етакчи зоотехник сифатида бошлаган, сўнгра туман ҳокимлигида йўриқчи, бўлим мудир бўлиб ишлаган.

2001 йилда Аграрсаноат ҳодимлари касабаси уюшмаси Гулистон тумани кўмитаси раиси этиб сайланган. 2004 йилдан Дехқонобод шаҳарчаси фуқаролар йиғини бошланғич партия ташкилоти раисидир.

олияти билан танишарканмиз, юқорида билдирилган фикрларга тўла ишонч ҳосил қилдик. Маҳалла ҳудудида 2790 киши истикомат қилади. Турли ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, кўчаларни ободонлаштириш ва кўчаларнинг тартибдорлиги, тўй-маъракаларни кам чиким билан ўтказиш, ёшлар ўртасида жинс-ноятчиликнинг олдини олиш

раҳт кўчатлари ўтказилди. Ясавий кўчаси бўйлаб ўтган йўлга асфальт ётқизилди.

Маҳаллаларда истикомат қилувчи эҳтиёжманд оилалар, ногиронлар алоҳида ғамхўрлик билан қўраб олинган. Улар ҳолидан мунтазам хабар олиб турилади. Зарурат туғилганда, моддий ва маънавий ёрдам ҳам кўрсатилмоқда.

Хисобот даврида 50 дан ортиқ хонадонда никоҳ маросимлари нишонланди, ҳовли тўйлари, юбилей маъракалари ўтказилди. Янгича мазмун касб этаётган бу каби тадбирларда Қобилжон Раҳмонов, Собир Абдурашидов, Ҳабибулла Исоқов, Собиржон Шуқуров каби фаол партия аъзолари ҳам иштирок этмоқда.

Бошланғич партия ташкилоти аёллар ўртасидаги ишсизлик муаммосини ҳал этишга жиддий эътибор билан ёндашапти. Давлатимиз раҳбарининг "Ириқ саноат корхоналари билан касана-чиликни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқиб, Гулистон шаҳридаги корхоналар билан яқин муносабат ўрнатилмоқда. Аҳмад Ясавий маҳалласида яшовчи 6 та хонадон аёллари Гулистон шаҳридаги корхоналар билан ўзаро фойдали шартнома асосида иш бошладилар.

Маҳаллада бўлиб ўтган хисобот-сайлов йиғилишида ана шулар хусусида атрофлича фикр юритилди. Тўпланганлар маҳалла оқсоқоли Уразали Кўчаров ҳисоботидан қониқиб ҳисил қилдилар. Музокарада сўзга чиққан меҳнат фахрийси Абдулбоки Содиқов, Дехқонобод фуқаролар йиғини раиси, О'zLiDeP аъзоси Дилбар Хайитова маҳаллаларда ҳукм

сураётган тотувлик, ҳамжихатлик ҳақида сўз юритишаркан, бу борада тарбиявий-сиёсий ишларнинг аҳамияти катта бўлаётганини таъкидлашди.

— Кейинги йилларда ободонлаштириш ишлари янги кўлам касб этмоқда. Шунинг учун ҳам кўчаларимиз тобора яшил либосга бурканаяпти, — дейди Темирқадим кўчабошиси Унмат Мирзажанов. — Аслида ободончилик аҳилликдан бошланади. Бу масала маҳалла фуқаролар йиғини ва бошланғич партия ташкилоти иш режасидан доимий ўрин олга, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

— Маъракаларни ортиқча харажатларсиз ўтказиш ҳаммамизнинг мақсадимиздир, — дея таъкидлади уй бекаси Махбуба Нурматова. — Бехуда чиким ҳеч кимга керак эмас. Шундай экан, тўй-маъракаларни илҳамлаштириш ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрадиган пайт келмадимикин?

Шундан сўнг маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари сайлови ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Икки даъвогар — Уразали Кўчаров ва фермер Алишер Сиддиқов номзодлари қизгин муҳокама этилиб, кўпчилик овоз билан Уразали Кўчаров маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига қайта сайланди. Меҳнат қилган — элда азиз. О'zLiDeP

аъзоси У. Кўчаровни қутлаган маҳалладолар чехрасидаги мамнуният ифодасини кўриб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

— Хисобот-сайлов йиғилиши ақунларидан кўнглингиз тўлдими?

— Очигини айтганда, — дейди Ю. Ўтаганов, — маҳалла фуқаролар йиғини раисига билдирилган ишонч бошланғич партия ташкилоти фаолиятига берилган муносиб баҳо бўлди, деб ўйлайман. Бу мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш бўйича изчил иш олиб борилаётганидан далолат беради.

Аслида ҳам шундай. Ватан остонадан бошланади. Зеро, маҳалла тинч бўлса, Ватан ободдир.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ислоҳ қилиш — фуқаролик жамияти шароитида бевосита демократияни амалга оширишнинг асосий йўлидир».

О'zLiDeP Дастуридан

## ЭЛ ИШОНЧИ

ҳар бир партия аъзоси зиммасига юксак масъулият юклайди

Биз навбатдаги сўхбатдошимиз билан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови яқунловчи босқичга қадам қўйган масъулиятли бир паллада учрашдик. Маълум бўлишича, тумандаги 43 та маҳалланинг 42 тасида сайловлар муваффақиятли яқунланган, уларнинг қарийб ярмисидан О'zLiDeP аъзолари оқсоқолликка сайланган. Маслаҳатчилик таркибида ҳам партия аъзолари кўпчиликни ташкил этади. Биз ташриф буорган куни "Дўстлик" маҳалласида сайлов ўтказилиши белгиланган экан.

■ Эшмурод БОБОМУРОДОВ, «XXI asr» мухбири

"Дўстлик" — исми жисмига монанд маҳалла. У туман марказининг анча "саноат"лашган ўраимида жойлашган. Бу ерда 2349 нафар аҳоли, 658 та ўзбек оиласи билан ёнма-ён 22 та меҳсети туркларни, ўнлаб рус, татар, тожик ва туркман хонадонлари аҳил-иноқ истикомат қилишадди.

"Мудатекс" Ўзбекистон — Россия кўшма корхонаси, МТП, солиқ инспекцияси, халқ банки, марказий поликлиника, ветеринария хизмати, «Сувокава» ташкилоти, Маданият уйи, «Электр-алоқа» корхонаси, 2 та боғча ва ўнлаб тадбиркорлик, савдо-ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам шу ҳудудда жойлашган. Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турмуш фаровонлигини ошириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида кўп болали ва кам таъминланган оилаларга 12 миллион 579 минг 157 сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Икки ёшгача болалар тарбияланаётган 63 нафар оилага 9 миллион 315 минг сўмлик нафақа тайинланган. Маҳаллаларни ободонлаштириш, тўй-маъракаларни ошқича сарф-харажатларсиз ўтказиш, янги иш ўринлари яратиш, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурини амалга ошириш соҳасида О'zLiDeP фаоллари алоҳида ибрат кўрсатмоқдалар. Фахриддин Очилов, Ҳабиба ва Дилрабо Файзиёва, Ҳамро Жумаева, Тохир Ҳодиев, Бақо Холов, Пано Примов, Нурсат Ражабов ана шулар жумласидандир.

— Айни кунда маҳалламиз ҳудудда 15 мингга яқин, жумладан, 8 минг 601 тул мевали дарахтлар парваришланмоқда. 9 та кўчада кўзларни яшнатувчи гулзорлар барпо этилган, — деди сўзга чиққан Фаруқат кўчаси вакили Пано Примов. — Бу яхши,

албатта. Бугун сайланадиган маҳалла оқсоқолига битта тақлим бор: кўчалардаги озодликни қаттиқроқ назорат қилса, чиқиндиларини ўз вақтида ташиб олинишига алоҳида эътибор қаратса...

— Маҳаллада аҳил-иноқлик, тинч-осойишталикни таъминлаш учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз, — деди "Туман машина-трактор парки" акциядорлик жамияти раиси Халлоқ Шайдоёв.

— Хонадонларда ичимли сув таъминотини яхшилаш учун корхонамиз томонидан электр-мотор ва 350 минг сўмлик таъмирлаш жиҳозлари олиб берилди. «Истикбол», Аҳмад Дониш номи, «Дўстлик» кўчаларини ободонлаштиришга ҳам ҳисса қўшяпмиз. Саёҳат ёки сафарларга чиқиш учун меҳнат фахрийларига бепул транспорт хизмати кўрсатилмоқда.

Шунингдек, Фафур Улом номи ҳамда «Тўқимачи» кўчалари вакиллари Қиём Салоҳидинов, Ҳамро Жумаев ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, ўз тақлим ҳамда мулоҳазаларини баён қилдилар. Айниқса, уч муддатдан буюн узлуксиз ишлаб келаётган маҳалла оқсоқоли Н. Файзиёв ва унинг маслаҳатчилари фаолиятига ижобий баҳо берилди.

Хуллас, олий маълумотли ҳуқуқшунос Нарзулла Файзиёв юз фоиз овоз олиб, яна маҳалла оқсоқоллигига сайланди. У партия ҳудудий бошланғич ташкилоти раиси ҳамдир.

Юксак ишончга сазовор бўлган О'zLiDePчилар сафида Мўминобод (Ўқтам Мансуров), Фаридшо (Гулшан Хайдарова), Кўкин (Тўйжон Қўлдошева), Чорбоғкент (Махбуба Бўронова), Сўфидеҳқон (Махмуд Мухторов), Собир Раҳимов номи (Раъно Камолова), Сарийосиё (Шавкат Саидов), Қалти (Азиза Халилова) маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳам бор. Бу — бежиз эмас, албатта. Юқорида номлари тилга олинган кексаю ёш, эрқагу аёл, эҳтиёжманду ногирон, хуллас, барчага барабар ғамхўрлик кўрсатиб, маҳалладоларнинг яхши ишлашлари, ўқиб-ўлғайишлари, мазмунли ҳаёт кечирishiлари ва орзу-ҳавасларига эътишшлари учун астойдил жон куйдиришмоқдалар. Улар бошчилигида жойларда хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, "Саломатлик - 2" дастури асосида Кўлодина ва Хайриботча қишлоқ тиббиёт масканлари қайта таъмирланмоқда. Бунинг учун О'zLiDeP туман кенгаши депутати Юнус Тошев 1 млн. 300 минг, Амрилло Файзуллаев 1,5 млн. сўм маблағ ажратди.

Имомқозинор қишлоғида янги спорт мажмуи қуриш ва уни замонавий асосда қайта жиҳозлаш учун 8 млн. сўм маблағ сарфланди. Қалти маҳалласидаги "Азим Ашур", "Баркамол", "Фари Нур", "Шароф бобо", "Жобир — 2001", "Бахшилло бобо" фермер хўжалиқлари раҳбарлари Шафоат Исаева, Камол ва Толиб Бобоев, Махмуд Тўлаев, Жобир Рамазонов, Барно Ашуров бу борада ўз ҳимматларини аямалдилар.

Партия туман кенгаши раиси ўринбосари Т. Рустамовнинг таъкидлашича, айни пайтда ушбу ҳудудда О'zLiDePнинг 36 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатаёпти. Айниқса, маҳалла оқсоқоллари раҳбарлик қилаётган ҳудудий бўғинлар ташаббуси билан эл-юрт манфаати йўлида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу, шубҳасиз, Н. Файзиёв каби фаолларнинг фидойи меҳнати ва изланишлари самарасидир.

Фарғона вилоятининг ҳар бир ҳудуди ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, олтиариқликлар деҳқончиликнинг ҳадисини олишган, ҳунармандчиликда риштонликлардан ўтадигани йўқ. Марғилонликлар эса ўзининг камалақранг шойи ва атласлари билан машҳур. Хўш, Кува-чи? Бу заминда етилган сершира азорлардан тотиб кўрмабсиз, оламга келмабсиз.

## Ягона мақсад йўлида

177 нафар партия аъзоси ўзини тўла сафарбар деб билишяпти

■ Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири

О'zLiDeP фаолларидан бири Раҳимжон Мирисоқов ана шу машҳур азорчилар юртидан. Қуваликлар уни етук мутахассис, камтарин инсон, ташкилотчи раҳбар сифатида қадрлайдилар.

— Халқ назарига тушиш осон эмас. Бунинг учун ҳалол меҳнат қилиш лозим, — дейди О'zLiDeP Кува туман кенгаши раисининг ўринбосари Шухратжон Ҳасанов. — Хусусан, партиявий-сиёсий соҳада етарли билим ва кўникмага эга бўлмай туриб, қўзланган мақсадга эришиш қийин. Масалдошимиз Р.Мирисоқов бунга яхши тушунади. У меҳнат жамоалари ўртасида О'zLiDeP ғоя ва мақсадларини атрофлича тушуниришдан эринмайди. Ҳозирги кунда шифохона бошланғич ташкилоти ўз атрофида 177 нафар аъзони бирлаштирган. Шунинг ўзи Раҳимжоннинг ташкилотчилик қобилиятидан далолат бериб турибди. У айни чоғда партия туман кенгаши раисининг мафкурарий ишлар бўйича ўринбосари ҳамдир. Ишонч — ҳурмат, уни оқлаш эса катта масъулиятдир.

Бугунги кунда Миродил Арслонов, Абдурахим Жўраев, Хотамжон Хайдаров, Валижон Саримсоқов, Эргашхон Йўлдошева, Шахлохон Ниёзова каби шифокорлар бошланғич ташкилот атрофида уюшиб, оммавий-сиёсий



Раҳимжон МИРИСОҚОВ, 1964 йилда Кува шаҳрида туғилган. Анджон давлат тиббиёт институтининг давлат факультетини тамомлаган. Кува тумани соегиқни сақлаш тизимига қарашли марказий шифохона ҳамда бошланғич партия ташкилоти раиси.

ишларда фаоллик кўрсатишмоқда.

— О'zLiDeP III съездида бошланғич ташкилотлар ролини оширишга қаратилган катъий чора-тадбирлар белгиланганлиги айни муддао бўлди, — дейди Р.Мирисоқов. — Зеро, қуйи бўғинлар партия ўзаги, мустаҳкам пойдевордир. Улар бевосита аҳоли кенг қатлами орасида иш олиб боради. Бинобарин, бошланғич ташкилотлар ролини оширмаддан туриб, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини рўйбуга чиқариб бўлмайди. БПТ етакчиларига келсак, аввало, уларнинг ўзлари барча соҳада ўрнак бўлишлари, дунёқараш кенг, билимдон фаолларни партиявий-сиёсий ишларга кенгроқ жалб этишлари лозим. Шундаги-

Илова учун масъуллар:  
Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ

**ХУКУК ва интизом эхтирослар  
устидан хукмронлик қилган  
мамлакатда тараққиёт бўлади**

**МУЛОҚОТ**

**Тадбиркорлик масъулиятни  
ҳис этиш демакдир**

— дейди Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи  
**Қобилжон ШОКИРОВ**

Одилжон ИНОМОВ,  
«XXI asr» муҳбири

— Мамлакатимизда  
кичик бизнес ҳамда  
хусусий тадбиркорлик  
субъектлари учун қўлай  
шарт-шароитлар  
яратилди. Хўш, мана шу  
имкониятлардан  
фарғоналик  
тадбиркорлар қай  
даражада  
фойдаланмоқдалар?  
Умуман улар  
фаолиятидаги  
ўзгаришлар ҳақида нима  
дея оласиз?

— Юртбошимизнинг Олий  
Мажлиси Қонунчилик палатаси  
ва Сенатнинг қўша мажлисидаги  
маърузасида кичик бизнес  
ва хусусий тадбиркорликни  
ривожлантириш йўлидаги  
тўсиқларни бартараф этиш  
бўйича белгилаб берилган  
устувор вазифалардан сўнг солиқ  
юқини камайтириш, молиявий  
жавобгарликни эркинлаштириш,  
ҳисоботларни қисқартириш,  
кичик бизнес ҳамда хусусий  
тадбиркорлик субъектларини  
ҳуқуқий ҳимоялаш борасида  
таалай ишлар қилинди.

Жумладан, даромад солиқ  
юқи 3 фоиз камайиши эвазига  
йил давомида 247,6 миллион  
сўм, ягона ижтимоий тўлов  
6 фоиз камайиши ҳисобига  
1400 миллион сўм, экология  
солиғи ҳамда савдо қилиш  
ҳуқуқи учун йилнинг бекор  
қилиниши муносабати билан  
тежалган 9494,6 миллион сўм  
маблағ хўжалик юритувчи  
субъектларнинг ишлаб чиқариш  
ривожлантириш, ишчиларнинг  
маошларини ошириш ва айланма  
маблағларни қўлайлиги имкониятларини  
яратди.

Айниқса, Президент фармонлари  
ва қарорлари ижросини таъминлаш  
жараёнида кичик бизнес субъектлари  
сонининг ортиси асосида улар  
томонидан онгли равишда солиқ  
ва бошқа мажбурий тўловлар  
ўз вақтида амалга оширилмоқда.  
Микрофирма ва кичик  
корхоналар вилоят бўйича  
2005 йилнинг 1 июль ҳолатига  
16951 тани ташкил этган  
бўлса, 2006 йилнинг 1 май  
ойига келиб, бу кўрсаткич  
23634 тага етди. Ёки бошқача  
қилиб айтганда, тадбиркорлик  
субъектлари учун яратилган  
қўлайликлардан сўнг уларнинг  
сони 6683 та кўнайди.

Шунингдек, вилоятдаги 55  
та ширкат хўжалиги негизда  
ташқил топган 6186 та фермер  
хўжалигига ягона ер солиғи  
бўйича берилган имтиёзлар  
эвазига тежалган 1220,1 миллион  
сўм маблағ уларнинг ўз  
ихтиёрида қолдирилгани ҳам  
тадбиркорларимиз учун яратилган  
қўлайликларнинг нечоғлик  
аҳамиятли эканини кўрсатади,  
деб ўйлайман. Ана шу  
имкониятлардан тўғри

вилоятдаги 55 та ширкат хўжалиги негизда ташқил  
топган 6186 та фермер хўжалигига ягона ер солиғи  
бўйича берилган имтиёзлар эвазига тежалган 1220,1  
миллион сўм маблағ уларнинг ихтиёрида қолдирилди.  
Юрт раҳбарияти томонидан кичик бизнес ва хусусий  
тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун  
кенг имкониятлар яратиб берилганлиги, ундан тўғри  
фойдаланиш натижасида 2006 йилнинг биринчи  
чорагида вилоятда ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот  
ҳажми 241,6 млрд. сўмни ташқил этди.

фойдаланиш натижасида 2006  
йилнинг биринчи чорагида вилоятда  
ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот  
ҳажми 241,6 млрд. сўмни ташқил  
этди. Бу ўтган йилдагига нисбатан  
4,4 фоиз ўсиш бўлди, демакдир. Ана шу  
ялпи маҳсулотнинг 35,4 фоизи  
хусусий тадбиркорлик субъектлари  
ҳисобига тўғри келмоқда.

— **Қобилжон Мамасолиев**, айрим  
тадбиркорлар ўзларининг  
ишқисси манфаатларини  
устун қўйиб, мижозга  
маънавий ёхуд бошқача  
тарзда салбий таъсир  
кўрсатиётганини қандай  
изоҳлайсиз?

— Ҳақиқатан ҳам шундай  
ҳолатлар мавжуд. Масалан, кейинги  
пайтда компьютер марказлари,  
«интернет-кафе» сингари  
корхоналар аҳоли гавжум жойларда  
анча кўпайиб қолди. Бирок ушбу  
фаолият билан шуғулланувчи айрим  
тадбиркорлар кўпроқ даромад топиш  
ниятида хорижий маънавияти  
ва миллийлигимизга пугур  
етказадиган кўрсатувларини  
намоиш этиш, нусха кўчириб  
сотишга зўр бермоқдалар.

Ешларимиз онгини захарлаш  
эвазига даромад топаётганларни  
тартибга солиш мақсадида солиқ  
ҳодимлари томонидан рейдлар уюштирилапти.  
Жумладан, жорий йилнинг  
дастлабки тўрт ойи давомида  
39 нафар жисмоний шахсдан  
қиймати 3703,8 минг сўмлик  
6111 донна лазер дисклар  
ноқонуний сотилаётганлиги сабабли  
далилий ашё сифатида олиб  
қўйилди. Айни пайтда худ  
шундай йўл билан даромад  
қилаётган 34 нафар шахс суд  
томонидан 1222 минг сўм миқдорига  
маъмурий жаримага  
тортилди. 5841 донна, яъни  
3207,6 минг сўмлик лазер дисклар  
суд қарори билан мусодара  
қилинди.

Бундай «тадбиркор»ларнинг  
бемани фаолиятлари туфайли  
мижозларга маънавий зарар  
етаётган бўлса, яна баъзиларининг  
«ишбилармон»ликлари туфайли  
инсон саломатлиги хавф  
остида қолдирилмоқда. Бунга  
айни пайтда чанқовбосди  
ичимлик тайёрлаш билан  
шуғулланаётган тадбиркорлар

ни мисол келтириш мумкин.  
Тегишчилар шунинг кўрсаткичи,  
айрим «ишбилармон»лар аҳолидан  
бўш сўмларни йиғиб олиб, турли  
хил таъм берувчи воситаларни  
қўйган ҳолда ичимликлар тайёрлаб  
сотишгаётган экан. Жумладан,  
Бувайда туман ДСИ ҳодимлари  
томонидан шу йилнинг 17 март  
да қисқа муддатли текшириш  
ўтказилганда Жилва қишлоғида  
яшовчи фуқаро Д. Абдуллаев  
ноқонуний тарзда фаолият  
юритаётгани маълум бўлди. У  
ўз хонадонига «лимонад» ишлаб  
чиқаришни йўлга қўйган. Текшириш  
давомида баҳоси 60 минг сўмлик  
бир донна «Ситазатор» ускунаси,  
битта кислород балони, 280  
шиша тайёр маҳсулот, 70 та  
бўш шиша, 200 та шиша қопқоғи  
далилий ашё сифатида олинди,  
ноқонуний чора кўриш учун  
судга юборилди.

Худди шундай «антика тадбиркор»  
лик билан шуғулланаётган  
Тошлоқ тумани, Заркент қишлоғи  
да яшовчи Р. Йўлдошевнинг  
фаолиятига ҳам туман ДСИ  
ҳодимлари томонидан чек қўйилди.  
Ноконуний тарзда чанқовбосди  
ичимлик тайёрлаш ишлаб чиқариш  
билан инсон саломатлигига  
зиён етказиб қўйиши ҳаёлига  
ҳам келтирилмаётган бу «тадбиркор»  
нинг хонадонидан қўлбола  
ускуна, шиша идишлар, тайёрлаб  
қўйилган маҳсулотлар далилий  
ашё сифатида олинди, тегишли  
қонуний чора кўриш учун  
судга оширилди.

Умуман, шахсий манфаатларини  
қўлаб кўрадиган ноконуний  
ҳатти-ҳаракат содир этаётган  
юқоридаги каби «ишбилармон»  
ларнинг фаолияти узоқ давом  
этмаслигини ўзлари обдон ўйлаб  
қўриши, чакки бўлмасди.  
Қолаверса, тадбиркорлик —  
ўзбoшимчaлик дегани эмас.

— **Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини тўғрисида»ги Фармони, сингари, айрим тадбиркорлар бошқача тушуниб, ўзбoшимчaликка йўл**

қўйишмаяптими? — Давлатимиз раҳбари томонидан хусусий секторни ривожлантириш, тадбиркорларга қўлай шарт-шароит яратиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашуш ва тўсиқлик қилиш ҳолатларига барҳам бериш юзасидан қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Айниқса, Юртбошимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги Фармони мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида микрофирма, кичик корхона ҳамда фермер хўжалиқлари раҳбарлари ва ҳисобчилари учун бир неча мартаба мулоқот, кўргазмалар ўқув семинарлар ўтказилди. Бирок...

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, улар фаолиятига кенг йўл очиб бериш борасида қўрилайётган чора-тадбирларга қарама-қарши, айрим тадбиркорлар амалдаги қонун талабларини қўпол равишда бузишга бориб етмоқдалар. Жумладан, Қўқон шаҳрида фаолият юритаётган «Сумбула» масъулиятли чекланган жамиятида ўтказилган текширишда жамият томонидан «Ўзсанотқурилишбанк», ТИФ Миллий банки Қўқон шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақамлари орқали 960,9 миллион сўм пул ўтказилиб, чакана савдо фаолиятдан тушган 176,5 миллион сўм нақд пул маблағи банк муассасасига топширилмаган. Суд идоралари томонидан банк муассасасига топширилмаган нақд пул миқдорига жамиятга нисбатан молиявий жарима қўлланилди. Жамият ҳисоб рақамидан 41 миллион сўм маблағ тўхтатиб қолинди ва ушбу маблағнинг барчаси корхонанинг бюджетдан бўлган қарзини йўналтирилди. Текшириш ҳужжатларига асосан Қўқон шаҳар прокуратураси томонидан жамият раҳбарига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Марғилон шаҳрида фаолият кўрсатган «Қурилишинвест-плюс» фирмасида ўтказилган



текширишда ҳам шунга ўхшаш манзара кузатилди. Фирма «Ипотекабанк»нинг Фарғона бўлимидаги ҳисоб рақами орқали 936,7 миллион сўм пул айланмасини амалга оширган. Солиқ инспекциясига тақдим этилган ҳисоботларда эса 689,3 миллион сўмлик товар айланмаси яширилган ҳамда чакана савдо фаолиятдан тушган 21,8 миллион сўм нақд пул маблағи банк муассасасига топширилмаган. Текшириш ҳужжатлари бўйича Марғилон шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан фирма раҳбарига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Хуфёна иқтисодийёт билан шуғулланаётган хўжалик субъектларининг фаолиятини тартибга солиш мақсадида вилоят Давлат солиқ бошқармасида назорат тадбирлари олиб борилиб, тарғибот ва ташвирот ишлари тобора кучайтирилмоқда. Бундай тадбирлар хўжалик субъектлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилаётган.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. 2006 йилнинг дастлабки 4 ойи давомида солиқ қонунчилигига амал қилиш юзасидан ўтказилган текширишларда солиқларни тўғри ҳисоблаш ҳамда ўз вақтида давлат бюджетига тўлаш мақсадида қўрилайётган чора-тадбирлар аниқланиб, 1547,6 миллион сўмлик қўшимча солиқ, мажбурий тўловлар ҳисобланди ва белгиланган тартибда суд томонидан молиявий жарималар қўлланилди. Биз ана шундай ҳолатлардан ҳулоса қилиб, тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган фармон ва қарорлар моҳиятини тушунтириш, тарғибот орқали қонунбузарликларни бир мунча камайтиришга эришаёلمиз, Масалан, 2006 йилнинг январь-апрель ойларида ўтказилган текширишларда 1547,6 миллион сўм қўшимча солиқ, мажбурий ажратмалар ҳисобланиб, молиявий жарималар белгиланди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қонунбузарлик ҳолатлари 93 фоиз камайганини билдиради.

Сўранг, жавоб берамиз.  
Саволларга ҳуқуқшунос  
М.Хўжаев жавоб беради.

**Давлат божини  
ким тўлайди?**

«Мен тадбиркор сифатида мансабдор шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракати устидан даъво аризаси билан судга мурожаат қилмоқчиман. Бунинг учун қанча миқдорда давлат божи тўлайман?»

**К.ЧОРШАНБИЕВ. Термиз шаҳри.**  
— Ўзбекистон Республикаси «Давлат божи тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида судларда давлат божини тўлашдан озод этиладиган даъвогарлар, жисмоний ва юридик шахслар, давлат идоралари номлари келтирилган. Ушбу модданинг 1-қисми «я» бандига кўра, «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан тадбиркорлик субъектлари судга мурожаат қилганликлари учун» давлат божини тўлашдан озод қилинадилар.

**Даъво қўзғатилиши  
мумкин**

«Корхонани сотишда кредиторларнинг қандай ҳуқуқлари бор?»  
**В.ҲАКИМОВ. Тошкент шаҳри.**

— Корхонани сотишда тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинмаган кредитор, сотувчи корхонани сотиб олувчига топширгани тўғрисида хабар топган ёки хабар топиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 492-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган талабларни қондириш ҳақида даъво қўзғатиши мумкин.

**Синов пайтида  
жароҳатландим**

«Синов муддати билан ишга қабул қилинган, жароҳат олиб, бир ой мобайнида касалхонада даволандим. Шу вақт ҳам синов муддати киритилди!»  
**Э.ЖўРАЕВ. Янгийўл тумани.**

— Меҳнат кодексининг 85-моддасида белгиланганидек, дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.  
Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ҳодим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддати киритилмайди.

**Тўрт йилда бир марта**

«Фермер хўжалиги фаолиятини текшириш қандай ҳолларда ва муддатда амалга оширилади?»  
**А. ХОЛТЎРАЕВ, Бухоро вилояти.**

— Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг 30-моддасида ва қўшимчаларда баён қилинганда: «Фермер хўжалиги фаолиятини текшириш (молия-хўжалик фаолиятини текширишлар бундан мустасно), давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот реализация қилиш шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигига далиллар бўлган, шунингдек, ягона ер солиғи ўз вақтида тўланмаган ҳолларда, ижарага олиш шартномасига мувофиқ ижарага берилган ер участкасидан фақат белгиланган мақсадда ва оқилана фойдаланиш масалалари бўйича белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилади.  
Янги ташқил этилган фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилиши мумкин эмас.

ФАРМОН ВА ИЖРО

ИСЛОҲОТ

**Янги экскаваторлар ишга тушди**

Бухоро вилояти экин майдонларининг муайян қисми шўрланган. Бундай шароитда экинлардан юқори ҳосил олишни таъминловчи омиллар орасида мелиорация тадбирлари алоҳида ўрин тутди.

■ **Э.ЁДГОРОВ, Ўза муҳбири**

Сизот сув ҳисобига шўрланаётган ер қиш мобайнида икки-уч марта ювилиб, коллекторлар тозаланади. Узунлиги олти ярим минг километрлик зовурларнинг 40-45 фоизига ҳар йили механик мелиорация ишлари бажарилади.  
Сўнгги йилларда коллекторларни тозаловчи экскаваторларнинг эскириб қолгани қатор муаммоларни юзага келтираётган эди. Воҳага Хитойнинг «Машимпекс» давлат корпорациясида ишлаб чиқарилган 10 та



гилдиракли ва занжирли экскаватори келтирилгани ушбу масалани ҳал қилиш имконини берди.

25 йиллик имтиёзли кредит ҳисобига келтирилган ушбу экскаваторлар турдошларига нисбатан қунига 4-5 баравар кўп тупроқ ишлашни бажариш қувватига эга.

Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Эркин Қодировнинг айтишича, пекинлик ҳамкорлар жорий йил охирига қадар яна 18 та ана шундай техника етказиб беради.

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР,  
БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА  
КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА**

«Чиноз деҳқон бозори» масъулиятли чекланган жамияти ўз ҳудудида 55 та турғун савдо шохобчалари қуриш учун ва уни тўлалигича топшириш шарт билан пудратчи ташкилотлар ўртасида тендер эълон қилади.

Объект номи — «Чиноз деҳқон бозори» МЧЖнинг турғун савдо шохобчалари.  
**Қурилиш ишларини бажариш муддати - 3 ой.**  
Қурилиш ишлари кредит маблағлари эвазига амалга оширилади.  
Савдо ташкилотчиси — «Чиноз деҳқон бозори» МЧЖ.

**Манзил: Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Сарбазор 1 кўчаси.**  
**Тендерда талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар ишларини бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.**  
**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-259) 33-267 31-945.**  
**Таклифлар мазкур эълон матбуотда чоп этилганидан сўнг 30 кун мобайнида қабул қилинади.**

**ДИҚҚАТ: ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯ!**  
**«ALAFIA» АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ**  
**ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР,  
БАРЧА ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ВА  
ФУҚАРОЛАР ХУҚУҚИНИ ҲИМОЯ  
ҚИЛАДИ**  
«XXI asr» ижтимоий-сиёсий азетаси сизнинг манфаатларингиз йўлида «ALAFIA» адвокатлик фирмаси билан ҳамкорлик қила бошлайди.  
Агар Сиз бузилган ҳақ-ҳуқуқингиз ва қонуний манфаатларингизни тергов ва суд идораларида, барча давлат ташкилотларида ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, «ALAFIA» адвокатлик фирмасига мурожаат этинг.  
«ALAFIA» адвокатлик фирмаси мижозларини ХЎЖАЛИК, ФУҚАРОЛИК, ЖИНОЯТ ва МАЪМУРИЙ ишлар юзасидан қабул қилади ва маслаҳатлар беради.  
Сизларга 25 йиллик ва ундан кўпроқ иш тажрибасига эга бўлган таниқли адвокатлар малакали юридик хизмат кўрсатадилар.  
**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Нукус» кўчаси, 73а-уй.**  
**(Мўлжал: «Миробод» деҳқон бозори, «Капиталбанк» рўпарасида).**  
**Телефонлар: (8-371) 132-25-15, 132-10-89.**

## АЁЛЛАР СПОРТИ

ИНСОН фазилати фавкулудда жасоратлар  
билангина эмас, балки унинг кундалик  
ишлари билан ҳам ўлчанадиГўзаллик, нафосат ва  
баркамоллик байрами

Ўзининг 2700 йиллик юбилейини нишонлашга ҳозирлик қўраётган Қарши шаҳри Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан ўтказилган навбатдаги аёллар спартакиадасига мезбонлик қилди. Иккинчи бор ташкил этилган мазкур мусобақа республикамизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аёлларни ҳам қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.


## Ўз мухбиримиз

Хотин-қизларни спортга жалб этиш, хусусан, аёллар ўртасида спортни омма-лаштириш ва уларнинг мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароит яратиш ҳақидаги ғамхўрлик замирида соғлом оилада — соғлом авлодни тарбиялашдек эзгу мақсадлар ётади. Мазкур мусобақа Қарши шаҳрида ўтказилгани бежиз эмас. Бугун Қашқадарёда хотин-қизларни спортга жалб этиш, спорт билан шуғулланиб, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун барча шароит яратилган. Йилдан-йилга вилоятда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги қувонарли. 2005-2006 йилларда вилоят бўйича қарийб 330 минг нафар хотин-қиз спорт мусобақаларига жалб этилди. Шундан 300 минг нафар мазкур мусобақада, академик лицей ва касб-хунара коллежлари талабалари дидир. Қарши шаҳрида қурилган кўпжа спорт иншоотлари хотин-қизлар спорт билан шуғулланишлари ва саломатликларини тиклашлари учун барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. Олимпия захиралари спорт коллежидан янгидан бунёд этилган спорт манежи, ёпиқ сузиш ҳавзаси, болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли замонавий бадий гимнастика зали, спортнинг йиғирмага яқин турига мўлжаллаб реконструкция қилинаётган аёллар спорт мажмуаси шулар жумласидандир.

11 июнь кuni Қарши шаҳридаги "Насаф" стадионида республика Аёллар II спартакиадаси тантанали

равишда очилди. Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитасининг раиси Светлана Имомова барча мусобақа иштирокчиларини улкан спорт байрами билан қутладилар. Табаррук момолар Шаҳрисабздаги Оқсарой пойида спартакиада машъаласини ёқиб беришди. Қарши шаҳрига келтирилган машъалани Камаш туманидаги 34-мактаб ўқувчиси Дилноза Холиёрова алангалапти. Республикамининг турли вилоятларидан келган қизлар спортнинг 8 тури бўйича беллашдилар. Айниқса, синхрон сузиш, волейбол ва арқон тортиш мусобақалари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

— Мазкур спартакиадани ташкил этишдан асосий мақсад, аёлларни спортнинг барча турларига жалб этиш орқали улар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат, — деди республика Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маъруфова. — Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларни спортга жалб этиш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний чиниқишлари, спорт билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилганлиги эътиборга молик. Дарҳақиқат, соғлом авлоднинг буюк яратувчиси бўлган хотин-қизларнинг саломатлигини муҳофаза қилишда спортнинг ўрни беқиёс. Ўтган йили спартакиаданинг барча босқичларида мамлакатимизда истиқомат қилаётган 1 млн. 143 минг 586 нафар хотин-қизлар иштирок этган бўлса, бу йил 1 млн. 600 минг нафардан ошганлиги аёлларимиз



ўртасида спортнинг оммалашиб бораётганлигидан далолатдир.

— Аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, корхона, ташкилот, муассаса, маҳалла ва қишлоқларда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш мақсадида ўтказиладиган спартакиада аёлларнинг барча қатламлари спорт билан шуғулланишларига йўл очмоқда, — дейди андижонлик мусобақа иштирокчиси Умида Азимова. — Мухими — хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланишлари уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади. Ўзимдан қиёс: спорт билан шуғуллана бошлаганимдан сўнг саломатлигим яхшила-

ниб бормоқда. Шаҳар кундан-кунга чирой очётганлигини кўриб, беҳад севиндим. Вилоятимиз "Чекка қишлоқ аёлларини спортга жалб қилган жамоа" номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Буш вақтларимизда оммавий, маънавий-маърифий тадбирларда қатнашдик. Жумладан, ёзувчи Шарофат Ашурова янги китобларини бизга тақдим этди. Қаршидаги "Эски масжид" театр студиясининг "Еркўрғон", М. Тошмухамедов номли бадий мусиқали драма театрининг "Андижон осмонига ой чиқади" спектаклларини катта қизиқиш билан томоша қилдик. Шоира Зулфия Мўминова билан учрашув ҳам ниҳоятда мароқли ўтди. Кўрсатилган эхтиром, эъзоз

учун мусобақа ташкилотчиларига миннатдорлик билдираман.

12 июнь кuni мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими ўтказилди. Мусобақа якунида ғолиблар турли номинациялар бўйича мукофотландилар. "Энг яхши тайёргарлик қўрган жамоа" номинациясига Тошкент шаҳри вакиллари сазовор бўлишди. Қашқадарё вилоят жамоаси "Мусобақаларни юқори савияда ташкил этган жамоа", Қорақалпоғистон Республикаси эса "Аёллар ўртасида спортни тарғиб қилган жамоа" номинациялари бўйича ғолибликни кўлга киритдилар. Номинация ғолиблари Президент совғаси — "Дамас" автомашинаси билан тақдирландилар. Бундан ташқари, мазкур мусобақа ўтказилган кунлар давомида Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Чироқчи туманидаги 37-сонли махсус интернат-мактаб ва Камаш туманидаги 1-Меҳрибонлик уйига ҳам Президент совғаси сифатида "Дамас" автомашинаси тўхфа этилди.

Спартакиаданинг тантанали ёпилиш маросимида республика ва вилоят эстрада хонандаларининг катта концерти намойиш этилди.

Шу йил баҳорида мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг анъанавий спорт байрами — "Умид ниҳоллари" спартакиадасини ёритиш мақсадида Қаршида бўлганимизда, очиги, шаҳар манзарасини кўриб лол қолдик. Айниқса, янгидан қад ростлаган спорт иншоотлари ҳар қандай одамни ҳайратга солиши аниқ. Улар орасида Олимпия захиралари спорт коллежи алоҳида ажралиб турарди.

Фаҳрланса  
арзийди

ёки Қарши шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежи бўйлаб сайрдан кейинги таассуротлар

Зумрад АБРОРОВА,  
Сайёра ТУРҒУНБЕКОВА, «XXI asr» мухбирлари

Тўғри, мустақиллик йилларида оммавий спортни янада ривожлантириш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Юртимизнинг аксарият шаҳар ва қишлоқларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилди. Минглаб ўғил-қизларимизнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишлари учун етарли шароит муҳайё этилаётганлиги боис, кўпжа спортчиларимиз нафақат мамлакат миқёсидаги беллашувлар, балки қатор халқаро турнирларда юксак натижаларни кўлга кирита бошладилар.

Юқорида тилга олинган коллеждаги шароитда шуғулланган ёшлардан эса, келажакда жаҳон чемпиони етишиб чиқиши шубҳасиз. Чунки бу иншоот шунчаки ихтисослашган ўқув маскани эмас, балки ҳақиқий спорт шаҳарчаси эди. Яъни, жаҳон андозаси талабларига тўла жавоб берадиган ушбу даргоҳда бугун талабалар таълим олишлари билан бирга мамлакат миқёсидаги йирик мусобақалар ҳам ўтказилапти.

Таъкидлаш жоизки, ана шу ҳудуд бундан атиги уч йил илгари шаҳар четидаги ташландик ва қаровсиз бир жой эди. Бугун эса...

Ҳайратимизни яширолмай, мезбонлардан ушбу ҳашаматли шаҳарча бунёдкорлари билан таништиришни илтимос қилдик. Маълум бўлишича, "Қашқадарёдеҳқончиликкурлиши" очик акциядорлик жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилган экан, ушбу ажойиб даргоҳ.

Мутахасссларнинг таъкидлашларича, Қарши Олимпия захиралари спорт коллежи коммуникация кулайликлари жиҳатидан нафақат республикамиз, балки Марказий Осиёда ягона экан. Ўн уч гектар майдондан эгаллаган ушбу мажмуада 900 ўқувчига мўлжалланган ўқув корпуслари, ёпиқ спорт манежи, сузиш ҳавзаси, иккита спорт зали, бешта машғулот ўтказиладиган зал, тўрт қаватли, 200 ўринли ётоқхона ва бошқа кўпжа ёрдамчи бино ва иншоотлар бўлиб, уларда йиғирмадан ортиқ спорт тури билан шуғулланиш мумкин.

Ёпиқ спорт манежи асосан ёнгил атлетика машғулотлари учун мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳар қандай йирик мусобақани ўтказса бўлади. Миллий спортимиз - кураш учун маҳаллий мутахасссларимиз томонидан махсус татами ўрнатилган. 1170 томошабинга мўлжалланган пластмасса ўриндиқларда жойлашиб олиб, мусобақаларни мириқиб томоша қилиш мумкин. Югуриш йўлакчаларидаги тўшамалар Германиядан келтирилган. Ёпиқ сузиш ҳавзаси эса энди Қашқадарёдан ҳам таниқли сузувчилар етишиб чиқибдан далолат бериб турибди. Бўйи 50 метр ва эни 25 метрлик ҳовуз 4,5 минг куб зилол сув билан тўлдирилган. Унинг тозаллиги ва ҳароратини бир метрда сақлаб туриш учун махсус ускуналар ўрнатилган.

— Мухими, улар ўзимизда тайёрланган, — дейди сал ўтмай шаҳарча бўйлаб сайримизга кўшилган "Қашқадарёдеҳқончиликкурлиши" очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ҳайит Тожиев. — Пойтахтимиздаги "АКВАТЕХ" корхонасида ишлаб чиқарилган ускуналар сувни иситиб ва тозалаб туради. Чидамлилиги, сифати жиҳатидан чет элликдан қолишмайди.

— Лойиҳани бажаришга киришар эканмиз, тўғриси, олдин уни жуда пухта ўрганиб чиқдик. Чунки — мажмуа ҳар жиҳатдан мукамал ва жаҳон андозаларига мос бўлиши лозим эди. Бугун шуни фахр билан айтишим мумкин-ки, қаршилик қурувчилар хориждаги ҳамкасбларидан қолишмасликларини амалда исбот этишди.

Ҳайит аканинг мажмуа қурилиши ҳақидаги ҳикоясини тинглар эканмиз, Юртбошимизнинг фаҳр билан: "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам" деган сўзлари ёдга тушди.

— Умуман олганда мазкур иншоот қурилишида 1600 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилди. Улар ўз соҳасини билимдони эканликларини амалда исботлашди. Қашқадарёнинг жазираси иссиқ кунларида ҳам иш сира пайсалга солинмади. Энг муҳими, уланинг фидокорона меҳнатлари муносиб баҳоланди. Яъни, "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари иштирокчилари яратилган шарт-шароитдан жуда мамнун бўлишди. Қурувчи учун бундан катта мукофот бўлмайди.

Спорт миллилатни дунёга танитади. Инсон камолотида унинг ўрни беқиёс. Зеро, Юртбошимиз айтганидек, "Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди". Юқоридаги каби муҳташам иншоотларни барпо этаётган олтин қўли қурувчилари билан эса халқимиз ҳар қанча фаҳрланса арзийди.

СПАРТАКИАДА

БУНЁДКОРЛИК

ФОТОАЙБНОМА

Эссиз  
меҳнат,  
эссиз маблағ

Кейинги йилларда юртимиз пойтахти тобора чирой очиб бормоқда. Янги-янги бинолар қад ростламоқда. Кўчалар кенгайтирилиб, ҳашаматли кўприклар қуриляпти. Иборали қилиб айтганда, бугунги Тошкент катта қурилиш майдонига айланган.

## Ш. ПАРПИЕВ, Ш. РАҲИМОВ

Лекин, афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ахён-ахёнда учраб турадиган қурилиш тугалланмаган бинолар шахримиз кўркини бузиб, кайфиятимизни тушираётгани ҳам бор гап. Сиз суратда кўриб турган бино қурилиши эса бундан роппа-роса ўн беш йил олдин бошланган эди. Кўшни маҳаллаларда исти-

қомат қилувчи ҳамшаҳарларимизнинг айтишларича, бу чала иншоот Тошкент тиббиёт академиясига қарашли бўлиб, лойиҳа бўйича наркология бўлими учун аталган экан. Аммо мутасаддилар лоқайдлиги туфайли бу бино ҳали-бери ўз мақомига эга бўлмаса керак.

Эссиз шунча сарф-харajat, эссиз меҳнат...





**Дўст, бу энг юксак девор, мустаҳкам  
кўрғон, сув билан таъминланган  
ишончли қалъадир**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ХИТОЙ

## ШХТ: хавфсизлик йўлидаги ҳамкорлик

**Ш**у кунларда жаҳон матбуоти Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Шанхайдаги юбилей саммити ва унда кўриладиган масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

**Абдували СОЙБАЗАРОВ**

Турли ОАВда эълон қилинган ахборотлар асосан тузилманинг ўтган даврдаги фаолиятига, бу галги саммитдан кутилаётган натижалар, аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари, ташкилотнинг кенгайиши билан боғлиқ мавзуларга бағишланган. Шунингдек таъкидлаш жоизки, халқаро кузатувчилар ва таҳлилчилар ШХТнинг ҳамкорлигининг деярли барча соҳаларида катта муваффақиятларга эришгани, унинг аҳамияти ва таъсири минтақа доирасидан ташқари ҳам сезилаётгани, муҳими — бу халқаро тузилмага аъзо бўлиш ёки кузатувчи макomini олиш умидидаги давлатлар сони ошиб бораётгани хусусида яқдил фикр билдирмоқдалар.

Юртбошимчи ХХР оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда таъкидлаганидек, "Ўтган бу тарихан қисқа даврда ШХТ ўзининг нафақат яшовчанлигини кўрсатди, балки сиёсат ва хавфсизликдан иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликка — барча масалаларни ўз ичига олган минтақавий муаммоларнинг бутун бир мажмуини ҳал этишга қодир халқаро форум сифатида жаҳон сиёсат сахасидан мустаҳкам ўрин эгаллади". Бунда, албатта, 2001 йил 15 июнда ШХТ Декларациясини имзолаш орқали унинг таъсирдорлигини биргача айланган Ўзбекистоннинг ҳам улкан хиссаси бор. Таъкидлаш кераки, Ўзбекистоннинг ШХТ аъзоларидаги иштироки тузилма доирасини кенгайтирибгина қолмай, мавжуд минтақавий муаммолар ечимини тугал ва самарали бўлишини таъминлади. Ўзбекистонда бўлса, Россия президенти В. Путин минтақадаги муаммоларни Ўзбекистоннинг иштирокисиз ечи бўлмаганини эътибор қаратганда, Дарҳақиқат, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги барча давлатлар, шу жумладан, Афғонистон билан ҳам чегарадош мамлакат эканлиги, 50 млн дан ортиқ нуфусга эга минтақа аҳолисининг ярми Ўзбекистонда истиқомат қилишини инобатга олсак, вазият янада ойдинлашди.

Хуллас, иқтисодий, сиёсат, ижтимоий соҳа ё хавфсизлик, гап нима ҳақида боришдан қатъий назар, Ўзбекистоннинг ШХТ мукамаллик касб этиши қийин эди. Шубҳасиз, Евроосиёдек улкан маконда хавфсизлик ва ҳамкорлик ҳудудини вужудга келтиришга қаратилган мазкур уюшмадан Ўзбекистон ҳам бирдек манфаатдор. Айниқса, ҳудудда сиёсий ва иқтисодий қудрати, фан-техника ва юқори технология соҳасидаги ютуқлари, қолаверса, ҳарбий салоҳияти билан ажралаб туривчи Россия ва Хитой жойлашганлиги ўта муҳим аҳамият касб этади. ШХТ ҳам ўз навбатида Ўзбекистонга катта ишонч билан қармоқда. Ташкилотнинг иккита доимий ишловчи органидин бирининг (Ижроия котибияти Пекинда, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Тошкентда) мамлакатимизда фаолият кўрсатаётганининг ўзиёқ Ўзбекистоннинг террорчиликка қарши курашдаги амалий

«БИЗ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА, ШУНИНГДЕК, БИРИНЧИ НАВБАТДА, ХАЛҚАРО ТЕРРОРЧИЛИК, ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ, МИЛЛИЙ АЙИРМАЧИЛИК ВА НАРКОБИЗНЕС КАБИ МИНТАҚАВИЙ ВА ДУНЁВИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД СОЛАДИГАН ХАТАРГА ҚАРШИ ПУХТА ЎЙЛАНГАН ВА САМАРАЛИ КУРАШГА ЙўНАЛТИРИЛГАН КўП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМИ ДЕБ БИЛАМИЗ».

*ИСЛОМ КАРИМОВ.*

саъй-ҳаракатлари, дадил ташаббусларининг тан олинаётгани далолатидир. Оддийроқ қилиб айтганда, бу катта ишонч, ҳурмат, эътироф рамзи, айни пайтда масъулият ҳамдир. Бундай органлар ҳақи равишда ўзининг қатъий ва мустақил сиёсатига эга бўлган, бошқа мамлакатларнинг таъсир доирасига тушмаган давлатларда жойлаштирилди. Шунингдек, кераки, минтақавий аксилтеррор тузилма яқиндагина ташкил этилганига қарамай, амалий ишлари билан ўзини намойён эта бошлади. Биринчидан, террорчилик, айирмачилик ва экстремистик ташкилотлар ҳамда уларнинг фаолиятига дахлдор шахслар бўйича ягона маълумотлар банкни шакллантириш ишлари ниҳоятга етаётган бўлса, иккинчидан, террорчиликнинг эҳтимол тутилган кўринишларининг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон раҳбари ташкилот доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликка қаратилган аниқ тақлифларни илгари суриб келаётганига эътибор қаратиш жоиз. Булар орасида Афғонистон масаласи, халқаро террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва наркобизнес муаммолари, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, яъни минтақавий ядросиз зонага айлантириш, иқтисодий ва экологик муаммоларни биргаликда ҳал этишга қаратилган ташаббуслар бор. Айниқса, Президент Исроҳим Каримовнинг Шанхай (2001), Санкт-Петербург (2002), Москва (2003), Тошкент (2004) саммитларида ШХТ фаолияти куруқ баёнотлардан иборат бўлиб қолмасин, қарорлар пухта ўйланиб, аниқ фойда келтиришига амин бўлган ҳолда қабул қилиниши лозим, деган фикрлари бошқа катнашчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ташкилот хусусида гап кетаркан, яна икки масалага эътиборни қаратиш лозим. Аввало, ШХТнинг тузилма сифатидаги бош мақсади нима? Иккинчидан, ташкилот истиқболи халқаро жамоатчилик томонидан қандай баҳоланмоқда?

Аввало, аъзо давлатлар ҳамкорликка киришар экан, биринчи навбатда ўз миллий хавфсизликларини янада мустаҳкамлаш масаласини устувор мақсад сифатида кўрадилар. Чунки хавфсизликни таъминламай туриб, тараққиётга эришиб бўлмайди. Бугун Афғонистоннинг жанубий ва шарқий ҳудудларида террорчиликнинг пайи таг-томири билан қирқилмаган, наркотиклар оқими, бир дақиқа бўлсин тўхтаётган экан, хавфсизлик мавзуси минтақамиз учун долзарблигича қолаверади, дейишга асос етарли. Афғонистон масаласини ҳал қилишда юқори ҳарбий салоҳиятга эга бўлган Россия ва Хитой муҳим ўрин тутуди, албатта. Қолаверса, дунё миқёсидаги йирик масалаларни шу икки давлат аралашувисиз ечиш анча мушкул. Шунингдек, ташкилотга аъзо давлатларнинг барчасида хавфсизликка таҳдид соладиган муаммолар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Яқин вақтлардан бошлаб бундай хатарлар сафига четдан зўрлаб текиштириладиган "рангли инқилоб" лар экспорти хавфи кўшилди. Тан олиш керак: Андижондаги воқеалар муносабати билан уни четдан

### ШАНХАЙСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА

15 июня в Шанхае пройдет юбилейный 5-й саммит стран-членов ШОС



СТРАНЫ ШОС	Площадь (кв. км)	Население (млн чел.)	Основные религии	Рост ВВП (в %) ВВП на душу нас. Данные за 2005 г.
Китай	9,6 млн	1255	Конфуцианство, буддизм, даосизм, ислам, христианство	9,9
Казakhstan	2,7 млн	15,1	Ислам, православие	9,4
Узбекистан	447 001	26,4	Ислам, православие	7
Таджикистан	143 001	7,0	Ислам (сунниты, шииты)	6,7
Россия	17 млн	143,9	Православие, ислам	6,4
Киргизия	198 999	5,1	Ислам, православие	6,6

\* По данным www.eurasianet.org \*\* По данным Госсовета КНР  
Источник: International Monetary Fund (www.imf.org)

қўллаб-қувватлаган сиёсий қучларнинг ахборот хуружи пайтида ШХТга аъзо барча давлатлар, хусусан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари — Россия ва Хитой Ўзбекистон тугган йўлни тўла қўллаб-қувватлади.

Шу ўринда ШХТдек қучли ташкилот тузиш гоёси 2000-2001 йиллари Афғонистон таҳдиди Марказий Осиё давлатлари барқарорлиги учун хавф солиб турган бир пайтда пайдо бўлганлигини унутмаслик лозим. Шунинг учун 2001 йили Шанхай Декларациясида ташкилотнинг дастлабки мақсадлари сифатида хавфсизлик, муҳофаза, ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўналишларида ҳамкорлик қилиш устувор вазифа сифатида белгилаб олинган. Мафкур ҳужжат имзоланганидан атиги бир неча ой ўтиб, минтақадаги вазият кескин ўзгарди. Афғонистонда толиблар режими қулатилиши олдиндан Марказий Осиёда АҚШ ҳарбий базалари пайдо бўлди. Ушундан кўнглигида ҳали дунёга келиб улгурмаган ШХТ Марказий Осиёда қандайдир ҳамкорлиқни йўлга қўйишда етарлича роль ўйнашдек ноёб имкониятни қўлдан бой берди, деган мулоҳазаларга ҳам борганди. Бироқ муттасил ўтказилган олти томонлама учрашувлар ва музокаралар ўз самарасини берди. Ҳаётнинг ўзи биргина АҚШ бошчилигидаги коалиция Афғонистондаги муаммоларни бартараф эта олмаслигини исботлади. Шубҳасиз, халқаро муаммолар ичидан ШХТ учун афғон муаммосини ҳал этиш алоҳида ўрин тутуди. Маълумки, давлат раҳбарларининг Тошкентдаги саммитида мазкур мамлакат чегараси бўйлаб хавфсизлик камарини барпо этиш зарур, деган хулосага келинган эди.

Ер қуррасидаги аҳолининг ярмидан кўпроги истиқомат қилаётган ташкилот доирасидаги иккинчи устувор йўналиш — бу савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ҳисобланади. Кузатувчи-

ташкilotларга қарши қаратилмаган. Аксинча, ШХТ террорчи гуруҳлар ташкилот аъзоларидан бирининг чегарасини кесиб, иккинчи бир мамлакатнинг ҳудудида ёриб қирган тақдирда ўз куч ва имкониятларини намойиш этади" деган гапларини эслаш ўринлидир. Бундан ташқари, муҳофаза вазирларининг Пекин учрашувиде қатор иккитомонлама, шунингдек, умумий ҳарбий машқлар ўтказишга қарор қилингани ҳам унутмаслик жоиз. Жумладан, бу йили Россия ва Ўзбекистон ҳарбийлари иштирокида кўшма машқлар ўтказишга келишиб олинган бўлса, кейинги йили Приволжск-Урал ҳарбий округида ташкилотга аъзо барча мамлакатлар ҳарбийлари иштирокида машқлар ўтказилади.

ШХТ мамлакатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари йўналиши бўйича ҳам ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйган, наркотиклар тарқалиши ва халқаро террорчиликка қарши кураш олиб бораётганининг ўзиёқ унинг Марказий ҳамда Жануби-Шарқий Осиёдаги давлатларнинг истиқболли ҳамкорига айланишига хизмат қилади. Дарвоқе, ҳозирданок ташкилот Осиё-Тинч океан ҳавзасидаги давлатларнинг қатор иқтисодий ташкилотлари билан муносабатлар ўрнатишга улгурди. Қолаверса, бундай алоқаларнинг йўлга қўйилиши ШХТнинг Евроосиё ташкилоти сифатидаги макomini янада мустаҳкамлайди.

ШХТ истиқболли ҳамда таъсир кучи ошиб бораётган уюшма сифатида эътибор қозонганини яқин вақтларда кузатувчиларни сайловларга юбора болаши билан ҳам ишобтлаш мумкин. Кейинги пайтларда МДХ, Хитой ва Осиёнинг қатор мамлакатларидаги сайловларни ноҳилис баҳолаш ўрганиб қолган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти вакиллари билан бир қаторда ШХТ кузатувчилари миссияси ҳам сайловларга ўз вакилларини юборади. Энг муҳими — ташкилот минтақадаги муаммоларни жуда яқин ҳис қилмоқда ва уларни ўзи самарали ҳал қилишга қодир кучга айланди. Ташкилотга аъзо бўлиш умидидаги давлатлар сонининг ошиб бораётгани уни тузиш гоёси муваффақиятли бўлганидан далолат беради. Бироқ ШХТ ўз сафларининг шошма-шосарлик билан кенгайишига қарши эканлиги ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Кейинги пайтларда Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Монголия каби Осиёнинг етакчи мамлакатлари кузатувчи мақомида иштирок этаётгани ва аъзоликка интилизгани фикримизнинг яққол исботидир. Бироқ ташкилот ҳозирча янги аъзоларни қабул қилиш борасидаги ҳуқуқий жараёнларни охирига етказгани йўқ. Аввало, унинг фаолиятига доир аниқ ва илҳим дастур ишлаб чиқиши, асосий вазифалар доираси белгиланиб олиниши зарур. Шундан сўнг ташкилотни кенгайтириш ҳақида жиддий ўйлаш, унинг мақсади ва ҳуқуқиятини ўзгартриш ҳақида фикр юритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ШХТ халқаро майдонда геосиёсий реаллик, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг муҳим ижобий омили сифатида кўрилкоқда.

АҚШ



## Иқтисодий қийинчиликлар гирдобиде

Апрель ойида АҚШнинг савдо камомади 2,5 фоиз ўсиб, 63,4 млрд долларни ташкил этди. Кузатувчилар бунинг нефтнинг юқори нархи (1 баррели — 70 доллар) сақланиб қолаётгани билан изоҳлашмоқда. Йил бошидан буён камомад 252 млрд долларга етди, у йил охиригача ўтган йили ўрнатилган рекорд — 716 млрд доллардан ҳам ошиб кетиши мумкин.

АҚШ иқтисодиётидаги юқори савдо камомади шусиз ҳам жаҳон бозорларида ўз позицияларини бериб қўяётган доллар кадрини тушириб юборапти. Шу билан бирга Хитойнинг келаётган товар ҳамининг ортиб кетиши ҳам камомаднинг кўпайишига сабаб бўлди. Би-Би-Си хабар беришича, ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларда Хитой АҚШга 17 млрд долларлик ортиқча маҳсулот экспорт қилган. Мутахассислар таъкидлашларича, савдо камомади бензин нархи ошиши ва уй-жой қурилиши соҳасидаги қоқоқлик билан бирга йилнинг иккинчи ва учинчи чоракларида ялпи ички маҳсулот ўсишини сусайтиради.

ФАЛАСТИН

"Новости" РИА тарқатган хабарга кўра, Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббос ХАМАС вакиллари томонидан бошқарилаётган амалдаги ҳукуматни тарқатиб юбориши, ички сиёсий вазият кескинлашадиган бўлса, фавқуллода ҳукумат тузиши мумкинлигини маълум қилган. Бу 26 июлга белгиланган референдумдан олдин ҳам юз бериши эҳтимолдан холи эмас.

## Фаластинда сиёсий инқироз

"Новости" РИА тарқатган хабарга кўра, Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббос ХАМАС вакиллари томонидан бошқарилаётган амалдаги ҳукуматни тарқатиб юбориши, ички сиёсий вазият кескинлашадиган бўлса, фавқуллода ҳукумат тузиши мумкинлигини маълум қилган. — Агар Абу Мазен (Аббоснинг таҳаллуси) рақиб фракциялар ўртасида музокаралар олиб боришининг иложи йўқлигини ва вазият тобора кескинлашиб бораётганини кўрсатганда, у сўнги чорани қўлайди — Вазирлар Маҳкамасини тарқатиб, янги фавқуллода ҳукумат ташкил этади, — дея изоҳ берди маҳаллий амалдорлардан бири.

26 июль кунига белгиланган референдумда Маҳмуд Аббос 1967 йилги чегаралар асосида Фаластин давлатини ташкил этишни, миллий яқдиллик ҳукуматини шакллантиришни ва Исроилга қарши ҳарбий исённи чеклашни кўзда тутувчи "Миллий келишув тўғрисидаги битим"ни овоз берувчилар эътиборига ҳавола этмоқчи. Табиийки, ҳоқимий тепасидаги ХАМАС ҳаракати бундай референдумнинг ўтказилишини қонунга зид, деб ҳисобламоқда.

УКРАИНА

## Музокаралар тўхтагилди: ким айбдор?



Украинада президент тарафдори — "Наша Украина" блокнинг Юлия Тимошенко ва Социалистлар партияси билан бирга "зарғалдоқ коалиция" тузиши борасидаги музокаралар тўхтаб қолди.

Бу социалистлар Рада спикери лавозимини ўз етакчилари Александр Морозга бериш талабига жавоб бўлди. Агар "зарғалдоқ"чилардан бирортаси ён босмайдиган бўлса, вазият икки сценарий асосида ривожланиши: парламент тарқатилиб, мuddатидан аввал сайловлар ўтказилиши ёки "Наша Украина" ва Минтақалар партиясининг "зарғалдоқ-мовий" коалицияси тузилиши мумкин.

Ҳукумат тузишининг чўзилавериши президент тарафдорлари учун мақбул эмас. Қонунга кўра, ҳукумат янги сайланган Радининг биринчи мажлисида бир ой ўтгач, яъни 25 июнгача шаклланиб бўлиши зарур. Акс ҳолда, президент парламентни тарқатиб юбориб, навбатдан ташқари сайловлар белгиланган ҳуқуқига эга.

НУҚТАИ НАЗАР

ТАФСИЛОТЛАР

ВОКЕАЛАР,

ХАБАРЛАР,

# СЎНГГИ САҲИФА

**ЭСДА қолмайдиган  
кувончлар ҳақиқий  
кувонч эмас**

**ФУТБОЛ**

## Биринчи довон ортида қолди

Кечаги кунга қадар Германия футбол майдонларида давом этаётган жаҳон чемпионатининг барча иштирокчилари (мусобақаларда жами 32 та жамоа қатнашмоқда) биттадан учрашув ўтказиб, биринчи тур баҳсларига яқун ясашди.

**Шухрат ХҲАЕВ**

Орда қолган тур баъзи термаларга муваффақиятлар келтирган бўлса, баъзиларини омадсизлик таъкиб этди. Жумладан, чемпионат дебютантлари — Африка қитъасининг Гана, Кот-д'Ивуар ва Ангола мамлакатлари терма жамоалари футболчилари керакли натижаларга эришмаган бўлсаларда, учрашувлар давомида Италия, Аргентина ва Португалия сингари "гранд"лар билан тенгма-тенг ўйнаб, бир-икки тўп фарқ билан имкониятни бой берган ҳолда уларнинг озмунча асабийлашларига сабабчи бўлишганини алоҳида эътироф этиб ўтиш жоиз. Европанинг яна иккита вакили — Польша ва Швеция терма жамоалари футболчилари эса Лотин Америкасининг ўртамеъна вакиллари — Эквадор ҳамда саралаш босқичининг ҳал қилувчи босқичида баҳраинликларга ғов бўла олган Тринидад ва Тобаго терма жамоалари қаршилигини синдира олмадилар. Осиё Футбол конфедерациясининг янги вакили Австралия ҳамда мазкур ташкилотнинг кўйиллик аъзоси — Япония терма жамоалари иштирокидаги учрашув ўзининг драматик сценарийи билан кўпчилик футбол ишқибозларини жалб этган бўлса, ажабмас. Гап шундаки, бразилиялик мутахассис Зико бошчилигидаги Кунчиқар юрт вакиллари учрашувнинг асосий вақтида 1:0 ҳисобида олдинда бораётган бўлсаларда, мазкур чемпионатдан сўнг Россия термасига мураббийлик қилиши кутилаётган Гус Хиддинк шогирдлари, яъни австралияликлар ўйиннинг сўнгги олти-етти дақиқаси ичида (84, 88 ва ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтнинг иккинчи дақиқасида) учта тўп киритиб, ҳисобни ўз фойдаларига 3:1 қилиб ўзгартиришга эришдилар.

**Биринчи турда қайд этилган натижалар:**

<b>"А" гуруҳи</b> Германия-Коста-Рика — 4:2 Польша-Эквадор — 0:2 <b>"В" гуруҳи</b> Англия-Парагвай — 1:0 Тринидад ва Тобаго-	<b>"С" гуруҳи</b> Аргентина-Кот-д'Ивуар — 2:1 Сербия ва Черногория-Голландия — 0:1 <b>"D" гуруҳи</b>	<b>"E" гуруҳи</b> Мексика-Эрон — 3:1 Ангола-Португалия — 0:1 <b>"F" гуруҳи</b> АҚШ-Чехия — 0:3 Италия-Гана — 2:0 <b>"G" гуруҳи</b> Франция-Швейцария — 0:0 <b>"H" гуруҳи</b> Австралия-Япония — 3:1	<b>"I" гуруҳи</b> Бразилия-Хорватия — 1:0 <b>"J" гуруҳи</b> Ж.Корея-Того — 2:1 Франция-Швейцария — 0:0 <b>"K" гуруҳи</b> Испания-Украина — 4:0 Тунис-Саудия Арабистони — 2:2 Гуруҳ учрашувлари 24 июнга қадар давом этади.
---	---	--	--



**БИЗНЕС-БАШОРАТ**

**18-24 июнь**

**ҚҲЙ.** Хафтанинг асосий қисмини фарзандларингиз таълим-тарбияси билан шуғулланиш ҳамда уларнинг сihat-саломатлигини назорат қилишга сарфлайсиз. Пул билан боғлиқ жиддий ишларингизни ойнинг 19-20 кунларида бажарганингиз маъқул.

**БУЗОҚ.** Йиғилиб қолган муаммоларингизни қачон ва қандай ҳал қилиш мумкинлигини белгилаб олганингиздан сўнг шахсий ишларга бамайлихотир қўл ўришингиз мумкин. Илоҳи бўлса, ўзингизни уринтирмасликка ҳаракат қилинг. Хафтанинг энг омадли кунлари июннинг 21 ва 22-саналарига тўғри келади.

**ЭГИЗАҚЛАР.** Коронгуликдан, бошқача қилиб айтганда, қийинчиликлардан иборат ойнинг ўн беш кун ортида қолди, деяверинг. Зеро, хафтанинг дастлабки кунлариданоқ соғлигингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга, анчадан бери қўл тегмай келаётган ишларни яқунлашга эришасиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА.** Имкон борича ташқи дунё билан алоқанингизни яхшилаб, иш жойингиздаги фаоллигингизни оширишга ҳаракат қилинг. Айнан шу йўл билан сиз қисқа фурсатда жамиятда тугган мактебингизни кўтаришга ҳамда оилангиз фаровонлигини юксалтиришга эришишингиз мумкин.

**АРСЛОН.** Ўзингиз тушунмаган ишларга аралашманг. Акс ҳолда, бекорга ўзингизга ортиқча ташвиш орттириб оласиз. Ундан кўра, хафтанинг уч-тўрт кунини дам олиш ва соғлигингизни тиклашга сарфланг.

**ПАРИЗОД.** Келаси хафта деярли ҳеч қандай тўсиқларга учрамаган ҳолда режалаштирган барча ишларингизни бажаришингиз кутилмоқда. Пайшанба кунини яхши хабарлардан воқиф бўлсангиз, дам олиш кунлари янги ҳамкорлар билан танишингиз мумкин.

**ТАРОСИ.** Касбий фаолиятингиз, саломатлик ва хордик чиқаришга тааллуқли янги гоёларни секин-аста амалга татиқ этишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун танқидга учраган эски одатларингизни ташлаб, хаётга янги кўз билан қарашингиз зарур.

**ЧАЁН.** Муаммолар гирдобиди қолган бўлсангиз ҳам хафта давомида кўнглингизни ёруғ қиладиган кунларга жой топилиши аниқ. Дам олиш кунлари арафасида молиявий аҳолинингизни яхшилашга, шу туйғайли ўз навбатида уй-жой билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга эришасиз.

**ЎҚОТАР.** Деярли бир хафталик бесамар оврагарчиликлару безовталанишдан сўнг, ниҳоят, тинч ва осуда ҳаёт кечира бошлайсиз. Тахрирбали альпинист тоғнинг энг юқори чўққисини забт этганидек, сиз ҳам севган кишингизнинг қалбини ром этишга муваффақ бўласиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Ҳар томонлама қулай хафта. Чунончи, келаси етти кун давомида тadbirkor "тоғ эчкилари" манфаатли келишувларни амалга оширсалар, спортчилар катта галабаларни нишонлайдилар. Қолаверса, буржининг барча вакиллари тақдирнинг ажойиб совғаси кутмоқда.

**ҚОВГА.** Жанжал ва низо келтириб чиқарадиган ишлардан узоқроқ юриб, руҳий тушқунлик ҳолатига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Омаднинг кетидан қувиб юриш фойдасиз эканини ёдингиздан чиқарманг. Зеро, кўп ўтмай унинг ўзи бошингизга қўниб олиши мумкин.

**БАЛИҚ.** Хафта қизиқарли учрашувлар, воқеалар ва саргуаштларга бой бўлиши кутилмоқда. Иш жойингизда сезиларли ютуқларга эришиб, таҳсинга сазовор бўласиз. Оилангиз даврасида ўтказилган ажойиб дам олиш кунлари эса хотирангизда узоқ вақтгача сақланиб қолиши аниқ.

**ОБ-ХАВО**

15-21 июнь кунлари республикамизда иссиқ ва қуруқ об-хаво кузатилади. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳаво ҳарорати деярли барча ҳудудлар бўйлаб кўтарилиб боради. Яъни бу хафтанинг иккинчи ярмига нисбатан келаси хафтанинг биринчи ярми анча иссиқ бўлади. Жумладан, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистонда дам олиш кунларига ҳарорат кечаси +17+21, кундузи +36+38 даражани ташкил этса, янги хафтанинг дастлабки кунларида ундан ҳам юқори бўлади. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари кундузи +39 +41 даражани кўрсатади. Фарғона vodiysida кундузлари мазкур ҳудуд учун анча юқори ҳароратли об-хаво кузатилса-да (+36+38), тунлар ҳамон нисбатан салқин бўлиши кутилмоқда (+14+16). Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида дам олиш кунларига ҳам ҳарорати кечаси +13+15, кундузи +29+32 даражани ташкил этса, кейинги хафтанинг дастлабки кунларида кечаси +18+20, кундузи +33+35гача кўтарилади. Пойтахтимиз — Тошкентда ҳам ҳаво ҳарорати секин-аста кўтарилиб боради. Тунда +16+23, кундузи эса +31+37 даража бўлади.

**«ПАХТА БАНК»**  
ФАРОВОНЛИГИНИЗ КАПИТАЛИ?

**БОКС**

## Обрў бориди кетиш керакми ёки?..



Профессионал боксинг ёрқин юлдузи Бернард Хопкинс ўтган хафтада АҚШнинг Атлантик-Сити шаҳрида яримўрта вазн бўйича жаҳон чемпиони Антонио Тарверга қарши жанг ўтказди.

**Наима ПҮЛАТОВА**

Эслатиб ўтиш жоизки, муҳлислари орасида "Жаллод" номини олган Хопкинс

жанг ўтказгани боис чемпионлик унвонидан айрилганди. Тўрт кун аввал бўлиб ўтган жангда 41 яшар бу боксчи рақибини очколар бўйича (ҳакамларнинг ҳар учаласи жанг 118-109 ҳисобида Хопкинс фойдасига тугаганини кайд этди) мағлуб этиб, қадри унвонни қайтариб олишга эришди.

Эътиборли томони шундаки, "Сеҳргар" лақабли Тарвер жангдан аввал дастлабки беш раунд давомида рақибини нокаутга учрата олса, гонорарнинг чорак миллион АҚШ долларига тенг қисмини хайрли мақсадларга (маблагни айнан қаерга йўналтиришни Хопкинс танлаши керак эди) сарф қилишга ваъда берганди. Бироқ амалда ҳаммаси аксинча бўлиб чиқди: бешинчи раундда Хопкинсининг чап томондан берган зарбасидан сўнг Тарвер мувозанатни йўқотиб қўйди. Буни сезган ҳакам дарров санашни бошлади. Шундай бўлса-да, "Сеҳргар" нокаутга учрамади. Ушбу жангдан кейин спортдаги фаолиятига нукта қўймоқчи бўлган "қария" Бернард ўз ниятидан қайтган кўринади. Зеро, Allboxing сайтида хабар берилишича, беллашувдан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида НВО телеканали мухбирининг "Агар 20 миллион доллар таклиф қилишса, рингга қайтариндигиз?" деган саволига Хопкинс "Бундай пуллар эвазига қабрдан ҳам чиқишга ҳаракат қилардим", — дея жавоб берган.

**ЛАТИФАЛАР**

- Қарза беш минг бериб тур.
- Майли, қачон қайтарасан?
- Париждан қайтган кунининг эртасига.
- О, Францияга кетаясанми? У ердан қачон келасан?
- Анигини билмайман.
- \*\*\*
- Тамаддихона. Хўранда: — Бир томчи ароқ неча пул туради?
- Сотуви:
- Ҳеч қанча..
- Ундай бўлса менга бир стакан томчилаб бериңг.
- \*\*\*
- Чукча устози билан сахро бўйлаб кетаётганмиш.
- Устоз, қаранг, тошқабани! — дебди чукча.
- Тошқабани эмас, тошбақани.
- Энциклопедияни ўқиб тур, деб сенга неча мартаба айтдим, — дея жавоб берибди жиддий оҳангда устоз.

**Республика Кўчас мулк биржаси ва «Kim oshdi saydolari» агентлиги — ақил бизнес ҳамкорингиз!**

Биржа савдолари душанба, чоршанба ва жума кунлари ҳамда аукцион савдолари пайшанба кунлари ташкил этилади.

**«КўЧАС МУЛК КЕТМАС ДАВЛАТ»**

Манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, У.Содиқов кўчаси, 1а-й  
Телефонлар: 339-29-26, 339-29-28, 339-80-23  
Факс: 136-26-26, Viber: 339-29-26, www.kmb.uz

**Моя мечта**

FEBP Oltin medali Geneva 2005

**«TOSHKENT YOG-MOY KOMBINATI» OAJQK**

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, ИШБИЛАРМОН ВА TADBIRKORLAR DIQQATIGA**

**«Ўзбекобод» ишлаб чиқариш фирмаси полипропилен қопларни таклиф этади.**

Манзил: Фарғона вилоятининг Кува туманидаги «Бекобод» қишлоғи.  
Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 172-88-15, (8-373 31) 51-101

Сифати кафолатланган. Нархи арзон

**Лучшее для Вас от «To'htaniyoz-ota»**

TOHTANIYOZ-OTA™

ПОКИЗА

mahsulot sertifikatlangan

АДРЕСА НАШИХ МАГАЗИНОВ:  
1. РЫНОК ЧОРСУ  
2. РЫНОК КАТАРГАЛ  
3. ПЛАВЬЦЫН, 8А МАГАЗИН  
3. РЫНОК УРТИКАР  
4. ПЛАВЬЦЫН, 70-МАГАЗИН

ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛ., г.КЕЛЕС, ПРОМЗОНА. Т.ЕЛ: 8(371-96) 56-106. E-MAIL: TOHTANIYOZ@RAMBLER.RU

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI** **MULKDORGA HAMKOR**

Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**

**КЕНГАШ РАИСИ**  
Муҳаммадюсуф ТЕШАЕВ

**КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ**

- Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
- Адхам ШАДМАНОВ
- Ақром АЛИМОВ
- Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
- Муҳаммадилхон ЙҮЛДОШЕВ
- Аъзамжон РАҲМАНОВ
- Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ
- Бахтиёр ЁҚУБОВ
- Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
- Илҳом НАСРИЕВ
- Мансур ЗОКИРОВ
- Мухлиса АҚРАМОВА
- Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
- Раъшан ОХУНОВ
- Раҳматилло КАМОЛОВ
- Сирожиддин САЙИД
- Шухрат НОРИТОВ
- Шухрат ОРИПОВ
- Киёмиддин НАЗАРОВ
- Кобилжон ТОШМАТОВ
- Туланбой КАРИМОВ
- Эркин ТОШЕВ

**ТАХРИРИЯТ**

- Абдували СОЙБАЗАРОВ
- Маркс ЮСУПОВ
- Зумрад АБРОРОВА
- Носир ТОШЕВ
- Ориф УЛМАСОВ
- Тоҳир МАЛИК
- Темур АБДУРАҲМОНОВ
- Тоҳир МИРХОДИЕВ
- Улугбек ЮСУПОВ
- Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
- Холмуҳин МАМАТРАЙИМОВ
- Шаҳзод НАЗАРОВ
- Шухрат ОХУНЖОНОВ

**МАТН ТЕРУВЧИЛАР**

Нигора ЖУРАЕВА  
Замира АХМЕДОВА

**БҮЛИМЛАР**

- ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
- ИҚТИСОДИЁТ ВА TADBIRKORLIK ФАОЛИЯТИ 55-43-57
- ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
- АХБОРОТ ВА TAFRIBOT ИШЛАРИ 55-70-16
- МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САҲНАТ 55-68-50
- ХАЛПАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:  
**Т. МИРХОДИЕВ,**  
**К. ҚҮЛДОШЕВ.**

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмаохонасида «Чоп этилди». Корхона мазлими: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
Буортира рақами: Г-866  
Тираж: 16824

**РЕ-ТИРАЖ БЕЛГИСИ**

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
**XXI ASR** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73<sup>а</sup>-уй.

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:**  
axborot00asr@yahoo.com  
XXI\_ASR@yahoo.com  
XXI\_ASR@doda.uz

«XXI ASR» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахрирнинг ҳақиқатдан фарқ қилиши мумкин.

**НАШИР КЎРСАТКИЧИ: 406**  
**БОШ МУҲАРРИР**  
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

**БИЗНЕС ҲАМКОРЛИМИЗ**

**ASR**  
EXPRESS MEDIA  
**НОШИРЛИК УЙИ**  
Т.ЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

**Mila PRESS**  
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ  
Т.ЕЛ: (998-71) 151-29-52.  
E-mail: milapress@yahoo.com

**РЕКЛАМА**